Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Постда

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2005 йил 2 июнь, пайшанба • 22 (3603)-сон

Донишмандларимиз фарзандларни жаннатнинг гули, дея таърифлашади. Дарҳақиқат, болалар борлиғимиз, бугунги кунимизнинг чароғон юлдузлари, эртамизнинг порлоқ истиқболи, умримизнинг давомчиларидир. Улар билан кунлар гўзал, тонглар нурафшон.

БУГУНИМИЗНИНГ ЧАРОҒОН ЮЛДУЗЛАРИ

Куни кеча Ички ишлар вазирлигининг "Жар" спорт соғломлаштириш мажмуасида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишланган тадбир ўтказилди. Унга хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ички ишлар ходимларининг оила аъзолари таклиф этилди.

Тадбирни ИИВ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, полковник А. Саттаров кириш сўзи билан очди. Сўнг меҳмонларни "Жар" ССМ бошлиғи, полковник А. Исаходжаев табриклади. Махсус мактаб-интернат тарбияланувчилари, "Жар" ССМ қошидаги "Ҳумо" болалар ашула ва рақс ансамбли қатнашчилари иштирокида йиғилганларга байрам концерти намойиш этилди. Хизмат вазифасини бажариш чоғида ҳалок бўлган ходимларнинг фарзандлари ва барча болажонларга вазирлик томонидан совғалар берилди.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.

УШБУ СОНДА:

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА

3

ЧЕЧАКЛАР ЁПИНЧИҚ БЎЛДИ

7

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

20

«ОДАМЛАРНИ ЯХШИ КЎРАМАН»

21

ХАЛҚИМИЗНИНГ БУЮК АДИБИ

24

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё

— Набирангизни уйга олиб киринг, ойи, офтоб уради.

— Унда сен ҳам ишингни тўхтат-да, уйга кир. Ахир, ҳар кимга ўз боласи азиз.

«Постда» gazetasining ilovasi



UCHINCHI OLAM

HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

Болалар – келажагимиз

ОРОМГОҲЛАР МАВСУМГА ШАЙ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича Республика доимий комиссиясининг 5 май куни бўлиб ўтган кенгайтирилган мажлисида ички ишлар идораларига болаларни оромгоҳларга олиб бориш ва олиб келишни қатъий кузатув остига олиш, оромгоҳларда жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш, ажратилган автотранспорт воситаларини техник кўрикдан ўтказиш, ҳайдовчилар таркиби тайёрлигини текшириш, "Маҳалла" жамғармаси фаоллари ва "Маҳалла посбонлари" жамоат тузилмалари вакилларини жамоат тартибини сақлашга жалб қилиш каби вазифалар қўйилди.

Шунга кўра Ички ишлар вазирлигининг "Болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш мавсумига тайёргарлик кўриш ҳамда оромгоҳларда жамоат тартиби ва хавфсизликни таъминлаш чораларини янада кучайтириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармойиши қабул қилиниб, "Ғамхўрлик-2005" тадбирини ўтказиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган асосий тадбирлар режаси тасдиқланди.

Ҳар бир оромгоҳга масъул раҳбарлар ва жамоат тартибини сақлаш учун ходимлар бириктирилиб, алоқа воситалари, хизмат автомашиналари ва бошқа зарур анжомлар билан тўлиқ таъминланишига эришилди. Шунингдек, жамоат тартибини сақлашга маҳалла фаоллари, "Маҳалла посбони" ҳамда "Ёш посбонлар" жамоат тузилмаларини жалб қилиш борасида ишлар олиб борилмоқда.

Жорий йилда болаларни ёзги дам олдириш ва соғломлаштириш мақсадида 540 та оромгоҳларнинг фаолият кўрсатиши режалаштирилган. Қорақалпоғистон Республикасидан 2500, Хоразм вилоятидан 1500 нафар болаларни Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларидаги соғломлаштириш оромгоҳларига келтиришда жамоат тартибини сақлаш ҳамда хавфсизликни таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

Ёзги мавсумда вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликка йўл қўймаслик, оромгоҳларда содир этилиши мумкин бўлган турли нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш борасида тегишли мутасадди идоралар билан биргаликда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар режалаштирилди.

И. ЖАҲОНГИРОВ,
майор.

Боғчамиз ташкил этилганига яқинда қирқ йил тўлади. Шу давр мобайнида жуда кўплаб ўғил-қизлар севимли масканда дастлабки хат-саводларини чиқариб, ҳаётга учирма қилинди.

БОЛАЛИКНИНГ БЕБАҲО ДАМЛАРИ

Сўнгги уч-тўрт йил давомида амалга оширилаётган ислоҳотлар боғча тарбиячилари олдига ҳам муҳим вазифаларни қўйди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг бу борадаги Қарори талабларидан келиб чиқиб, боғчада пуллик хизмат кўрсатувчи гуруҳлар очдик. Ушбу гуруҳларда тарбияланувчилар учун нафақат таълим-тарбия берилади, балки бошқа кўпгина афзалликлар ҳам мавжуд. Яъни, болага ёши ва жинсига қараб соғломлаштирувчи (чиниқтириш, гигиеник муолажалар, аэробика, тиббий уқалаш, физиотерапия, витаминотерапия, шифобахш дамламалар), ривожлантирувчи (мусиқа, рақс, фольклор, кулолчилик, расм, чет тили, спорт турлари ва компьютер сабоқлари) йўналишлари бўйича кўникма бериб борилади.

Боғчамизда айни кунда 220 нафар бола тарбияланади. Рус ва ўзбек тилида дарс ўргатиладиган иккита мактаб гуруҳи ҳам бор.

Болажонларимиз учун вилоят ички ишлар бошқармаси томонидан барча жиҳозлар муҳайё қилинган. Жумладан, тўртта компьютер ажратилган бўлиб, уларда кичкинтойлар турли машғулотлар бажаришади. Байрам тадбирларида алоҳида совға-салом, янги ўқув йили олдидан эса ўқув қуроллари берилади.

Боғчада спортнинг "Ушу", "кон-фу" турлари бўйича мусобақа ўтказилди. 7 ёшгача болалар ўртасида Н. Маҳмудов, Ш.Шаропов, А.Бердимуродовлар фахрли 1-ўринни эгаллашди.

Албатта, бу каби ишлар жонкуяр тарбиячиларнинг машаққатли меҳнати туфайли амалга оширилмоқда. "Олмахон" гуруҳи тарбиячиси А. Троч, "Айиқча" гуруҳи тарбиячиси Л. Жалолова, "Қуёнча" гуруҳи тарбиячиси Г. Одилова, "Ғунча" гуруҳи тарбиячиси С. Ҳусановалар иқтидорли болалар билан машғулот ўтказишда билим ва тажрибаларини ишга солаётган бўлса, таълим-тарбия жараёнини янги дастур асосида, юқори даражага кўтаришда боғча услубчилари Ф. Ханафиева ва Д. Иномоваларнинг хизмати беқиёс бўлмоқда.

Раҳима ИНОМОВА.
Қашқадарё вилояти ИИБ ҳузуридаги "Юлдузча" болалар боғчаси мудираси.

Суратда: ***боғча тарбияланувчилари ҳаётидан лавҳа.***

КИЧКИНТОЙ КЎМАКЧИЛАР

Жиззах вилояти "Мустақиллик" маҳалласида яқинда ИИБ раҳбариятининг ташаббуси билан милиция таянч пункти қайтадан қуриб фойдаланишга топширилди. Бу фойдали ташаббусни барча маҳалла аҳли қўллаб-қувватлади.

Мазкур ҳудуддаги кўп қаватли уйларда беш мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Профилактика инспектори, капитан Ширинбой Болиқулов кенг жамоатчиликка таяниб ишлаяпти. У ҳамиша одамлар орасида. Аҳоли орасида суҳбатлар ўтказганида жиноят содир этишнинг оқибатлари ҳақида ҳаётий мисоллар келтиради.

Ширинбойни маҳаллада чуқур ҳурмат қилишади. У мазкур ҳудудда беш йил хизмат қилиб, одамлар ишончини қозонди. Болалар ҳам уни жуда яхши кўришади. Бугун ҳам улар таянч пункти биноси олдидаги кўчатлар тагига сув қуйишяпти. Чунки капитан Болиқулов ўсимликлар дунёсининг инсон учун фойдаси ҳақида кўп гапирган. Энди болалар табиатни асраб-авайлаш зарурлигини яхши тушуниб етишган.

Профилактика инспекторининг хизмати осон эмас. Зеро, у хизмат кўрсатадиган маъмурий ҳудудда тўртта мактаб, тўртта болалар боғчаси, марказий касалхона, банк, бозор, ўйингоҳ жойлашган. Ҳудуд катталигига қарамай, жиноятчилик сони тобора камайиб бораяпти. Содир этилган жиноятларнинг аксарияти очилган.

У ҳар бир ишни маҳалла оқсоқоли Йўлдош ака Абдуллаев, маслаҳатчи Ойжон Аристанова билан бамаслаҳат амалга оширади. Маҳалла посбонлари яқин ёрдамчиларига айланишган.

– Бизда тарбияси оғир болалар йўқ, – дейди капитан Ш. Болиқулов мамнунлигини яширмай. – Чунки уларнинг барчаси бирор-бир фойдали машғулот билан банд. Кимдир спорт тўгарагига, кимдир бадиий ҳаваскорлик тўгарагига қатнайди. Бугунгига ўхшаб бизга ёрдам бериб туришади.

Дилбар САЛОҲИДДИНОВА.

Суратда: *"Мустақиллик" болалари табиатни севишади.*

Муаллиф олган сурат.

БОЛА КУЛСА, ОЛАМ КУЛАР

Халқимиз азалдан болажон. Фарзандларининг шўх-шодон бўлишини ёқтиради. Энг яхши нарсаларни уларга илинади. Ҳар йили халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунини республикамизда кенг нишонлаш анъанага айланган. Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ҳам хизмат вазифасини бажариш чоғида вафот этган оилалар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини эътибордан четда қолдираётгани йўқ. Ушбу кунда мингдан ортиқ болаларга доимий ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида улар пойтахтдаги, циркка олиб борилди. Цирк ўйинларини мазза қилиб томоша қилган болажонлар шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига ҳам боришди.

Ўз мухбиримиз.

ҒАЛЛА – 2005

ЎРИМ МАВСУМИ БОШЛАНДИ

Сурхондарё вилояти Ангор туманида ғалла пишиб етилди.

Айни кунларда эртанги буғдой ва арпа пешма пеш ўриб-йиғиб олинмоқда. Ўримда қатнашаётганларга зарур шарт-шароитлар яратиб бериш, меҳнатга ҳақ тўлаш, техника хизмати кўрсатиш туман ҳокимлигининг кенг кўламли тадбирлари асосида олиб борилмоқда. Йиғиштирилган ҳосилни қуритиш, дон қабул қилиш пунктларига етказиб бериш, талон-торож қилинмаслиги борасида ғаллакорлар билан бир қаторда маҳаллий ҳокимликлар, ички ишлар ходимлари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Эркин ТЎЛЯЕВ.

Суратли ахборот

Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳрида Марказий Осиёдаги йирик иссиқлик электр станциясининг ишчи ва хизматчилари истиқомат қилишади. Йигирмага яқин миллат вакиллари тинч-тотув яшаётганлари боис кейинги йилларда жиноятлар сони камайиб бормоқда. Бу ички ишлар ходимлари билан маҳаллалар фаолларининг ҳудудда тинчлик ва осойишталикни сақлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ҳамкорлик қилаётганлари самараси ҳамдир. Шаҳар ҳокимлиги ва ички ишлар бўлимининг биргаликда тузган режаларига мувофиқ ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари маҳаллаларда мунтазам бўлиб, фуқаролар билан учрашув ва суҳбатлар ўтказишяпти. Зарурат туғилса ўз ёрдамларини аяшмаяпти.

Суратда: шаҳар ИИБ ЙҲХГ бошлиғи, капитан Олимжон Турдиев(ўнгда) ва профилактика инспектори, капитан Алишер Маматқуловлар Амир Темур номли маҳалла фаоллари билан навбатдаги ишларни режалаштиришмоқда.

Икром ЖОНЗОҚОВ олган сурат.

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



ОДДИЙ ШИША МУҲОЖИРЛАРНИ ҚУТҚАРДИ

Коста – Рико яқинида мўъжиза юз берди. Асосан эквадорлик ва перулик ўсмирлардан иборат муҳожирлар оддийгина шиша идиш ёрдамида омон қолишди. Улар тушган кема очиқ денгизда ҳалокатга учраган эди. Муҳожирлар ёрдам сўраб ёзган хатларини шиша идишга жойлаб, сувга ташлашди. Коста-Рикодан 600 км нарида кимсасиз Кокос ороли бор. Бу ер қўриқхона бўлгани учун фақат хизматчиларгина яшашади. Тўрига муҳожирларнинг "номаси" илинган балиқчи айнан шу қўриқхона ходимларига хабар берди. Улар тезда ҳалокатга учраган кемани топишди. Муҳожирлар очлик ва ташналикдан анча қийналишган эди. Уларга шифокор ва иммиграция (муҳожирлик) хизмати офицери ёрдам берди. Коста-Рико ҳукумати вакилининг сўзларига қараганда, муҳожирлар Гватемалага, ундан Мексикага ўтишмоқчи бўлишган.



Илгариги замонларда кемалари ҳалокатга учраган денгизчилар ёрдам сўрашда кўпинча юқоридаги усулдан фойдаланишган. Аммо бу номалар одамларга кўпинча кечикиб етиб борарди ёки океан кенгликларида йўқолиб кетарди. Масалан, Христофор Колумбнинг кокос ёнғоғи пўчоғига ва эмандан ясалган бочкача ичига жойлаб Испания қиролига йўллаган мактублари орадан 385 йил ўтиб топилди.

Англияда қиролича Елизавета I замонасида Қиролнинг шиша идиш очувчиси лавозими жорий этилди. Қиролликда ёлғиз угина шишага жойланган почталарни очиб ўқиш ҳуқуқига эга эди. Бу лавозим 1509 йилда бир кемасоз қирғоқдан давлат сири ёзилган хат солинган шишани топиб олганидан кейин пайдо бўлган эди. Токи давлат сири ошкор бўлмасин деб жорий этилган мазкур лавозим 250 йил давомида мавжуд бўлди.

ЧЎНТАККА СИГАРА СОЛМАНГ

Агар у туташтирилган бўлса, албатта. Акс ҳолда Исроил Молия вазири Биньямин Нетаньяхунинг аҳволига тушишингиз мумкин. Воқеа бундай бўлди. Вазир интервью бериш учун армия радиосига келди. Мамлакат сиёсати мавзусида қизғин суҳбат чоғида ундан билинар-билинмас тутун чиқа бошлади.

"Жаноб вазир, сиз тутун ҳидини сезмаяпсизми?" – сўради журналист.

"Нимани назарда тутяпсиз?" – дея ҳайрон бўлди вазир.

"Костюмингиздан тутун чиқаяпти!" – деди журналист ва вазирга ёрдам беришга шошилди. Уларнинг ёнида ўтирган уйжой қурилиши вазири ҳам кўмак берди. Учовлашиб костюмни ечиб, ерга ташлаб, тепкилашиб ўтни ўчиришди. Кейинчалик маълум бўлишича, Нетаньяху Вазирлар Маҳкамаси мажлислар залига кираётиб (бу ерда чекиш тақиқланади) хаёл билан чекаётган сигарасини чўнтагига солиб қўйган экан.

ИККИ ПОРТЛАШ

Ироқнинг Эл-Хилла шаҳрида иккита кучли портлаш содир этилди. Улардан бири шаҳар маъмурияти биноси ёнида юз берди. Ўша пайтда воқеа жойида собиқ полициячиларнинг намойиши бўлиб ўтаётган эди. Иккинчи бомба турли идораларга хизматга кирувчилар тиббий кўрикдан ўтаётган тиббиёт марказ яқинида портлади. Портлашлар оқибатида камида 20 киши ўлган, ўнлаб одамлар яраланган. Ҳар иккала қўпорувчиликни ҳам террорчи-камикадзелар содир этишди.

ОДАМ ЎҒРИЛАРИ

Яқинда Тольятти шаҳрида "АвтоВАЗ" корхонаси молиявий директорининг ўғлини ўғирлаб кетишди. Терговчилар ҳозирча ўғриларнинг шахсини ва мақсадларини аниқлашолгани йўқ. Тахминлардан бирига кўра бу корхона акциядорларининг умумий йиғилиши билан боғлиқ. Унда 2004 йилнинг молиявий якунлари ва яқин келажакдаги ривожланиш истиқболлари муҳокама қилинди.

Шаҳарнинг Автозавод туманидаги "Пассаж" дўкони ёнида уч номаълум кимса 25 ёшли Евгений Казаковни хотинининг кўзи олдида мажбурлаб автомобилга ўтқазиб, номаълум томонга олиб кетишди. Хайриятки, жабрдийданинг хотини машинанинг давлат рақамини эслаб қолган экан, буни ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига хабар қилди. Тезда ўша автомобиль ҳайдовчиси қўлга олинди. Аммо хусусий киракашлик билан шу-

ғулланувчи бу кимсанинг юқоридаги жиноятга даҳли йўқ, у йўловчилар орасида Россиядаги энг йирик автоконцерн раҳбарларидан бирининг ўғли борлигини билмаган ҳам экан.

Юз берган воқеа юзасидан жиноят иши қўзғатилган. Жиноятни фош этишга яқиндан ёрдам берадиган шахсларга уларнинг шахси сир тутилиши ва мукофот беришга ваъда қилинган. Ҳозирча жиноятчилар алоқага чиқишгани йўқ.

ПИЁНИСТА «ОВЧИ»

Ичкиликбозлик иллат эканлиги ҳаммага маълум. Одамлар мастлик оқибатида йўқ жойдан уруш-жанжал чиқаришади, болаларини калтаклашади, машинада бегуноҳ пиёдаларни босиб кетишади. Хуллас, бу қилғиликлар рўйхатини яна узоқ давом эттириш мумкин.



Қуйида сўзимизнинг исботи учун яна бир жонли мисол келтирамиз. Воқеа жойи – Россиянинг Волгоград шаҳри. Ундаги кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи одамлар қарийб 12 соат уйқу, ором нималигини билишмади. Сабаби, уйдаги хонадонлардан бирига беркиниб олган бир маст киши ов милтиғидан тартибсиз равишда, дуч келган томонга ўқ узар эди.

Воқеа жойига етиб келган махсус бўлинма ходимлари қанчалик музокара олиб боришмасин, натижаси бўлмади. Шифокорлар эса пиёниста ичкиликбозлик касаллигига чалинган деган хулосага келишди. Бу касалликка чалинган кишиларнинг кўзига турли йўқ нарсалар кўринади. Волгоградлик мастнинг кўзига нима кўрингани бизга қоронғу, албатта.

Юқоридаги воқеа атрофдагилар учун муваффақиятли тугади. Пиёниста хонадондан кўчага чиққач ҳам дуч келган томонга ўқ узавергач, унинг ўзини отиб ташлашга тўғри келди.

БАХТЛИ ТАСОДИФ

Россиянинг Ростов–Дон шаҳридаги кўп қаватли уйлардан бирида яшовчиларнинг омади бор экан. Ўтган кечаси улар яшайдиган уйнинг – аёллар ётоқхонасининг орқа деворининг бир қисми қулаб тушди. Воқеа жойига етиб келган қутқарувчилар одамларни шошилинч равишда кўчириб, шаҳар меҳмонхоналарига жойлаштиришди. Жами 137 киши кўчирилди. Баъзи кишиларнинг вайроналар остида қолгани эҳтимоли бор эди. Эрталабга бориб ҳеч ким жабрланмагани маълум бўлди. Сабаби, бинонинг орқа девори қулаб тушган қисмида ҳеч ким яшамас, фақат ҳожатхона, ҳаммом каби маиший хоналар жойлашган экан.

Ҳозирда ҳодиса сабаблари ўрганиляпти. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари вакилларининг фикрича, бу террорчилик ҳаракати оқибати эмас. Аммо расмий ҳал қилувчи хулоса батафсил экспертиза ўтказилгач чиқарилади.

КИМ «ЧУКОТКА БОШЛИҒИ» БЎЛАДИ?

Россия Федерацияси Президентининг Узоқ Шарқ бўйича Мухтор вакили Константин Пуликовский Чукотка губернатори лавозимига муносиб номзод топганини маълум қилди. Бу – минтақанинг ҳозирги раҳбари Роман Абрамовичдир.

Ўтган йил охирида Англиянинг "Челси" клуби эгаси ўзини футбол масалалари кўпроқ қизиқтиришини айтганди. Яқинда Мухтор вакил эса Чукоткада Абрамовичсиз ҳам ишлар юришаверишига эҳтиёткорлик билан шаъма қилганди.

Нима бўлганда ҳам, Абрамович раҳбарлик қилган даврда минтақа сезиларли даражада ривожланди. Губернатор хусусий пуллари ҳисобига касалхоналар, турар жойлар, мактаблар қурдирди, ўқувчиларни дам олгани Қора денгиз бўйидаги оромгоҳларга юборди.

Константин Пуликовский: "Энди шунчаки тарафдор кишиларнинг эмас, мураккаб маъмурий ва иқтисодий масалаларни муваффақиятли ҳал қила оладиган раҳбарларнинг даври келди", – деди. У губернаторликка яна кимларнинг номзодини таклиф қилганини айтмади.

Ⓝ

Маърифат дарси

ТАБИАТНИ АСРАШ - БУРЧИМИЗ

Муборак Ҳадиси шарифда инсон ҳатто чумолига ҳам озор бермаслиги, унга зарар етадиган иш қилмаслиги лозимлиги айтилган. Ана шу сўздан инсон Аллоҳ томонидан яратилган барча дов-дарахт, ўсимлик, ҳайвон, тоғ-тош, сув, ҳаво учун жавобгар эканлигини билиш қийин эмас. Ҳамма нарса аввало инсон учун яратилган экан, уни асраб-авайлаши, зиён заҳмат етказмаслиги керак. Бир сўз билан айтганда, табиатни асраш ҳар биримизнинг асосий бурчларимиздан биридир.

Хўш, биз ана шу бурчимизни бажаряпмизми, деган ҳақли савол туғилади. Афсуски, "ҳа" деб баралла айтишга ожизмиз. Чунки маълумотларда ҳар йили кўплаб ўсимликлар ҳайвон турлари йўқолиб кетаётгани қайд этиляпти. Ичимлик суви етишмаётгани тобора сезилмоқда. Ёнғинлар натижасида ўрмонларга ўт кетиб, дарахтлар қуриб, ҳайвонлар, қушлар, ҳашаротлар қирилиб кетяпти. Айрим ҳудудларда жониворларни бетартиб овлаш, уларнинг яшаш шароитига салбий таъсир кўрсатиш оқибатида ҳайвонларнинг йўқолиб кетиш хавфи туғиляпти. Инсон манфаати учун шиори остида тузилган дастурлар асосида кўр-кўрона иш юритилиши туфайли табиатга катта зиён етаётгани сир эмас. Айрим нопок кимсаларнинг табиатга нисбатан тажовузкорлиги сабабли миллионлаб кишилар жабр кўрмоқда. Одамлар ана шуни кўриб била туриб, атроф муҳитни булғаш, ноёб ҳайвонларни овлаш, дарахтларни аёвсиз кесиш, ўсимликларни топташни тўхтатмаяптилар. Натижада зилол сувлар оқиб, яшнаб турган водийлар сахрога айланиб боряпти, бепоён ўрмонлар ўрнини ботқоқлигу, чакалакзорлар эгаллаяпти. Аллақандай тақинчоқ, безакларни деб ҳайвон ва қушларнинг қириб ташланиши оқибатида бошқа зарарли жониворлар кўпайиб, инсоннинг ўзига зиён етказяпти.

Дунёнинг учдан бир қисми сувдан иборат, деймиз. Бироқ ичимлик суви эса унинг жуда оз қисмини, қарийиб уч фоизинигина ташкил этади холос. Маълумотларга қараганда ер юзидаги аҳолининг учдан бир қисмини ичимлик суви муаммоси қийнайди. Ичимлик суви етишмаслиги оқибатида ҳаётдан бевақт кўз юмаётган кишилар, айниқса болалар сони йил сайин кўпайиб боряпти. Олимлар ҳисоб қилишича асримизнинг ўрталарига келиб ривожланган йирик мамлакатларда ҳам ичимлик суви етишмай қолиши мумкин.



Ундан пала-партиш фойдаланиш, ифлослантириш, манбааларини ҳисобга олмаслик, кўплаб исроф қилинаётгани боис ҳам сув танқислиги тобора сезилиб боряпти.

Ўтган йили Атлантика океани қирғоқларида Португалияга яқин жойда етмиш минг тонна нефть юкланган юк кемасида рўй берган ҳалокат туфайли деярли барча нефть сувга ёйилиб кетди. Бунинг оқибатида миллионлаб қушлар, балиқлар қирилди. Афсуски, бундай фалокат ягона эмас. Тез-тез содир бўладиган юк кемаси, поезд, самолёт, автомобиллар ҳалокатини ҳисобга олсак, ҳар йили атроф муҳитга етаётган зарарни ҳисоблаб чиқишга юрак дов бермайди.

Орол муаммоси бутун дунё миқёсидаги масалага айланаётганининг сабабини бирма-бир изоҳлашнинг ҳожати йўқ, албатта. Денгиз қуриб бораётгани туфайли унга яқин бўлган ҳосилдор ерларни туз босиб, шўрхокка айланяпти. Аҳоли саломатлигига жиддий зарар етмоқда. Денгиздан учиб чиққан тузлар Ҳимолай тоғлари, Шимолий муз океани ва Шарқий Европагача етиб бораётганини олимлар аниқлаб, исботлаб, жаҳон ҳамжамиятига катта ташвиш билан мурожаат этишяпти. Жаҳон миқёсидаги нуфузли идоралар томонидан чора-тадбирлар кўрилаётгани, Оролни сақлаб қолиш муаммосини ечиш учун бел боғланаётгани ҳақида хабарлар эшитяпмиз. Бироқ амалий ишдан дарак йўқ. Орол эса тобора қуриб боряпти. Бу муаммони ечиш учун биргина Ўзбекистоннинг имконияти етарли эмаслигини билган ҳолда жаҳон миқёсидаги нуфузли идоралар жиддий ишга киришмаяпти.

Экологиянинг бузилиб бораётганига мисоллар кўп. Яқин-яқингача Тошкент шаҳри атрофидаги туманларда ширин-шакар полиз маҳсулотлари етиштириларди. Айни кунга келиб турли хил касалликларнинг пайдо бўлиши оқибатида нафақат қовун-тарвузлар, сабзавот экинларини етиштириш ҳам муаммога айланиб боряпти.

Ўтган асрнинг эллигинчи йилларигача Тошкент шаҳрида оқиб ўтадиган анҳор ва ариқларнинг суви тоза, ичишга яроқли эди. Хонадонлар водопровод суви билан таъминлангандан кейин оқар сувларга эътибор бермай қўйилди. Ҳозирги кунга келиб оқиб турган сувларни ичиш у ёқда турсин, қўл чайишга ҳам кўнгил тортмайди. Қиш фаслида сув тўхтаганда анҳор ва ариқ ахлат тўкилган яшикларга ўхшаб қолганини кўрасиз. Айрим жойларда эса ариқлар умуман кўмиб ташлангани оқибатида кўп йиллик дарахтлар сувсизликдан қуриб қоляпти.



Шаҳарлар ҳавоси оғир, турли хил заҳарли тутун, газ ва исларга тўлиб кетяпти, дея эътироз билдирамиз. Завод, фабрика ва бошқа ишлаб чиқариш корхоналаридан инсон саломатлиги учун зарарли тутунлар чиқиши тайин. Автомобиллар қолдирадиган ис газлари кўнгилни беҳузур қилиши ҳам маълум. Бироқ уларни тозалаш усуллари ҳам бор. Маблағни қизғаниш, озгина хизматдан эриниш туфайли минглаб кишиларнинг саломатлигига зарар етаётганини ўйлаб кўрмаймиз.

Экология ўз-ўзидан бузилмайди. Табиатда ҳар бир йўқолиб борадиган ўсимлик, ҳайвон ва қушларнинг ўрни тўлиб борган. Бироқ инсоният тараққиётга эришган сари, табиатни асрашдан кўра унга кўпроқ зиён етказилаётгани боис бор нарсалар йўқолиб, қирилиб кетяпти.

Табиатга аёвсиз муносабатда бўлинаётгани туфайли у биздан қасос оляпти, деган гапни олимлар, тез-тез такрорлашяпти. Кейинги йилларда одамлар ўртасида турли хил касалликлар кўпайиб кетаётгани, айниқса болаларнинг нимжон, ногирон бўлиб туғилаётгани ва ҳаётдан бевақт кўз юмаётганига экологиянинг бузилиши ҳам сабабли эканлиги сир эмас.

Инсон доим соф, мусаффо ҳаводан нафас олиб, саломат, бардам юришни орзу қилади. Бунинг учун эса атроф-муҳит тоза, табиатда барча нарслар бекаму-кўст бўлиши лозим, албатта. Ана шундай шароит яратиш ёки борини асраб-авайлаш ўзимизга боғлиқ. Модомики шундай экан, теварак-атроф яратилган тарзда сақланиши учун ҳар биримиз қайғуришимиз керак. Токи она табиат завол кўрмай авлодларга етиб борсин.

Содриддин ШАМСИДДИНОВ.

XXI аср вабоси

ЁЛҒОН СИЁСИЙ ИДДАО

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

"Идоравий тўплам" (ҳизбчиларнинг ўқув қўлланмаларидан бири – О. Ж.)нинг илк кўрсатмаларига кўра, ҳизб фаолиятида иштирок этиш учун қишлоқлар ва вилоят шаҳарчаларининг ишсиз ёш аҳолисини жалб этиш мақсадга мувофиқ эди. Ажабланарлиси, 1994 йил 1 январда қабул қилинган "Идоравий тўплам" қоидалари рўйхатига қўшимча таҳрирда киритилган "Фаоллаштириш стратегияси йўриқномаси" орқали юқорида қайд этилган қоидага қуйидаги ўзгартиришлар киритилган: "Халифалик яқинда ташкил этилди, шу важдан унинг фаолияти мавжуд муҳитга мувофиқ бўлиши керак. Диққатимиз марказида мансабдорлар, эътиборли сиёсатчилар, бойлик ва сармоя эгалари, мулкдорлар вакиллари, тижоратчилар, зиёлилар, машҳур одамлар, олимлар, ёзувчилар, маҳалла оқсоқоллари, бошқа кичик амалдорлар бўлишлари керак. Халифаликни ташкил қилиш, уни қўллаб-қувватлаш ҳимоя қилиш учун бизга уларнинг ёрдамлари зарур. Шунинг билан биргаликда давлат бошқарувига алоқадорлар, газета ва журналлар, нашриётларининг раҳбарлари билан ҳам алоқа ўрнатишга ҳаракат қилиш керак".

Ўзбекистон зиёлилари шаънига шуни айтиш мумкинки, "Ҳизбут-таҳрир" фаолиятида иштироки учун жиноий жавобгарликка тортилганлар орасида, статистик маълумотларга кўра, улар йўқ. "Ҳизбут-таҳрир"нинг давлатга қарши фаолиятига қўшилиб қолган ниҳоятда озчиликни ташкил этувчи дипломли йигит ва қизларни эса, зиёли, миллатнинг фахри, дунёвий исломнинг вакиллари деб атаб бўлмайди. Аниқроқ айтадиган бўлсак, алданиб, ғўрлиги, уқувсизлиги, ҳақиқий исломий илмдан деярли саводи йўқ ёшларни, оз миқдорда катта ёшдаги одамларнинг онгларини заҳарлаб "Халифаликка интилиш йўлида мени фақат ўлим тўхтата олади" деган аҳмоқона ақидани уларнинг мияларига сингдириб, қасам ичаркан. "Ҳизбут таҳрир"нинг раҳнамолари ўзларини ислом курашчилари деб, сохта обрў орттириш учун бонг ураётганлар жаноб Пайғамбаримиз (с.а.в)нинг ҳадиси шарифларидаги "ҳақиқий мўмин қўл билан ҳам, тил билан ҳам бошқаларга мусибат келтирмайди. Аллоҳ таолога ширк келтирганлар чин муртадлардир" – деган сўзларини эслашни ҳам хоҳламайдилар.

Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон руҳонийлари юқорида қайд этилган шароитда "Ҳизбут-таҳрир" мафкурасига қай даражада қарши тура оладилар? Ислом оламининг эътиборли уломалари фикрларидан фарқ қилмайдиган ва республика мусулмонлари уламоларининг ҳам улар билан ҳамоҳанг бўлган соғлом фикрда эканликларига қарамасдан Набихонийнинг динга қарши назарияси, заҳарли мафкурасини асослаб, шарҳлашга қодир бўлган масжид имомларининг сони жуда оз. Юқорида номи келтирилган Марказий Осиёнинг эътиборли уламоларидан бирининг фикрича, "Ҳизбут-таҳрир"нинг аксилисломий йўналишини ва Набихоний мафкурасининг ғаразли моҳиятини фақат илмий-диний амалиётни пухта эгаллаган руҳонийларгина тўла шарҳлай олиши мумкин".

Халқаро давлат ва нодавлат ташкилотларининг Ўзбекистон мусулмонларини "Ҳизбут-таҳрир" қиёфасида кўришлари ва ОАВларда нохолис шарҳлашлари қуюшқонга сиғмайди. Хусусан, ўшалардан бири Хюман Райтс Вотч (ХРВ)нинг келтирган хулосаларидан бирида акс этган (ушбу хулоса ХРВнинг республикадаги беш йиллик фаолияти натижаларига бағишлан-ган таҳлилий ҳужжатда келтирилган):

"Ҳизбут-таҳрирни зўравонлик ишлатмайдиган ташкилотлар қаторига қўйиш масаласи баҳсли масала. Чунки ташкилотга тегишли адабиётларда мусулмонларни Яқин Шарқ, Чеченистон, Кашмирдаги қуролли можароларда курашнинг куч ишлатиш усулларига ҳуқуқлари борлиги тан олинади. Бинобарин, у ерларда ташкилотнинг фикрига кўра мусулмонлар таъқиб этилмоқдалар. Бироқ "Ҳизбут-таҳрир" аъзолари зўрликни халифаликни тиклаш воситаси сифатида ишлатишни изчиллик билан рад этадилар. Халифалик фақатгина Пайғамбар томонидан ташкил этилган биринчи халифалик каби мусулмонларни аста-секин уйғониши натижасида вужудга келсагина қонуний асосга эга бўлади деб ҳисоблашади".

Иккиюзламачилик стандарти турига кирувчи бу чалғитма ифода ҳозирги кунда ҳам кенг шарҳланган, ХРВ таъкидлаётган зўравонликни изчил инкор этилиши фикрининг яширин маъноларини ошкор этмоқда. Энди унинг хулосасидаги юқоридаги матнни "Халифалик" китобида "Ҳизбут-таҳрир" мафкурачилари келтирган изоҳ билан солиштирамиз:

"Ҳар икки тараф–халифа лавозимига номзод ва унинг халифа бўлишига рози бўлган мусулмонлар иштирокисиз шартнома амалга оширилмайди. Шу сабабли халифалик ўрнатилиши учун мусулмонларнинг қасамёд қилишлари сўзсиз шарт. Агар бирор кимса куч ва зўрлик ёрдамида ҳокимиятни эгаллаб, раҳбарлик лавозимига эришса, бу шахс ўзини мусулмонлар халифаси деб элон қилган бўлса ҳам, қатъиян халифа бўлиши мумкин эмас, чунки мусулмонлар билан унинг ўртасида халифалик тўғрисида шартнома тузилмаган.

Агар у мусулмонларга нисбатан куч ва зўрлик ишлатиб, уларнинг қасамини мажбуран олган бўлса ҳам у халифа бўла олмайди, чунки бундай қасам қонуний кучга эга эмас ва унинг ёрдамида халифалик ўрнатиш мумкин эмас. Фақат ихтиёрий қасамёд этишгина бунга имконият беради. Лекин ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаган шахс мусулмонларни унга қасамёд этишлари, улар манфаати учун фойдалилигига, шариат аҳкомларини адо этиши учун унга қасамёд қилишни талаб этишга ишонтира олса, мусулмонлар бунга ишонишиб, унга розилик билдиришса, кейин ихтиёрий равишда унга қасамёд келтиришса, у халифага айланади.

Шу ерда аниқ ва равшан кўриниб турибдики, "Ҳизбут-таҳрир" раҳнамоларининг дастур ва қўлланмаларидаги чалкаш, мантиқсиз фикрлар ўз-ўзларини инкор этиб турибди. Шунингдек, оддий ҳизбчилар тушунмайдиган яширин ғализ ғоя ҳам беркиниб ётибди.

"Ҳизбут-таҳрир" махфийчилари 1998-1999 йилларда "Ўзбекистон ислом ҳаракати"даги ғоявий маслакдошларига панд беришмади. Марказий Осиёда, хусусан Ўзбекистонда яширин равишда халифалик эълон қилишга, "кофирлар" ҳукуматини ағдаришга даъват этувчи брошюра ва варақаларни тарқатиш йўли билан ижтимоий-сиёсий тузумни ўзгартиришга тайёрлаш фаоллик билан олиб борилди.

"Онг Ал ваъй" журналининг 2001 йил июнидаги 170-сонида номаълум муаллифнинг ўзини қурбон қилиш тушунчасига шарҳлари келтирилган "Шаҳид бўлиш амалиётлари" мақоласи чоп этилган. Мақоланинг очиқдан-очиқ сурбетона мазмунидан шаҳидликни нотўғри, ўзларига мослаб шарҳлашлари, талқин этишлари Қуръони каримда ҳам, Ҳадиси шарифда ҳам бирон-бир ўхшашлиги йўқ, аксинча улардаги шаҳидлик матнларига ўта зид равишда ёзилган.

Инсонийлик тамойилларидан келиб чиқиб ушбу мақоладан қисқа парча келтириш билан чекланамиз: "Душманларни ҳалок этиш мақсадида ўзини портлатган мусулмон худди жанг пайтида ҳар хил қурол аслаҳадан фойдаланган аскар каби шаҳид ҳисобланади. Балки урушнинг буюклиги шунда мужассамдир. Негаки, ўзини портлатган мусулмон хаёлан Аллоҳ билан боғланади ва унинг илтифоти туфайли шаҳидлик мақомига эришади". Ваҳоланки, ҳақ Пайғамбаримиз (с.а.в.) нинг кўплаб сахиҳ ҳадисларида келтирилишича, ҳатто уруш вақтида олган жароҳатига ёки бошқа қийинчиликка чидолмай ўзини-ўзи ўлдирганни, шаҳид мақомига киритмаганлар, балки осий, гуноҳкор, деб сифатлаганлар. Бу эса ҳизбчиларнинг Муҳаммад пайғамбар (с.а.в)нинг сўзларини ва Қуръон оятларини бузиб, инкор этишларининг яна бир исботидир.

Кейинги йилларда халқаро терроризм амалиётида "шаҳидлар" камарига пўлат золдирлар ва бошқа металл воситалар билан бирга мисдан ясалган золдирлар қўшилмоқда. Бу тасодифан эмас. Мисни инсон организмида аниқлаш деярли мумкин эмас. Террористик хуруж оқибатида заҳмат етказилган, бироқ тирик қолган жабрдийда кейинчалик шундай азоб - уқубатларга дучор бўладики, тирик қолганига минг пушаймон бўлади, мис моддаси организмга ўрнашиб олиб, аста-секин оксидланади ва бу жараён саломатлик учун ниҳоятда зарарли оқибатларга олиб келади.

"Ҳизбут-таҳрир" хавфли радикал фундаментал ташкилотлар қаторига киради. Унинг тинчликка қарши эканлиги тўғрисида расмий статистик маълумотлар бор.

(Давоми бор).

О. ЖАЛОЛ.

Фидойилик абадийдир

ДЎСТЛАРИГА ЁРДАМ БЕРИШГА УЛГУРДИ...

Музаффаржон Турсунбоевич Рустамов 1968 йилда Андижон туманида таваллуд топди. Андижон Давлат университетининг тарих факультетини битирди. Ички ишлар идораларида фаолиятини 1988 йилда патруль-пост бўлинмасида бошлади. 2005 йил 12 майда хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлди.

... 2005 йил 12 май. Соат 23.30. Ярим тун бўлишига қарамай, жазони ижро этиш гуруҳининг катта тезкор вакили, подполковник М. Рустамов ўзининг иш кабинетида эди. Андижон вилояти ИИБ патруль-пост бўлинмасига ҳужум қилинганлиги ҳақида хабар беришганида унинг кўнглидан нималар кечди – фақат ўзига аён. Буни энди ҳеч ким билиб олмайди...

М. Рустамов тезкор-тергов гуруҳи раҳбари сифатида воқеа жойига йўл олди. Унинг ниҳоятда бетоқатланаётгани юз-кўзидан, хатти-ҳаракатларидан шундоққина билиниб турар, қўйиб берса, ўзи рулга ўтирсаю, машинани учириб кетса. У ҳамкасбларига ёрдам беришга улгуриш учун, ёмонларнинг разолатига барҳам бериш учун жуда шошиларди.

– Ёрдам беришга улгурамизми? – орқа ўриндиқда ўтирган катта лейтенант Машъалбек Ҳошимов унинг фикрини уққандек сўради.

– Улгурамиз, ука. Қуролларни шай қилинглар!

"Бизга қуролланган босқинчилар ҳужум қилишди. Ёрдамчи куч керак!", – деган навбатдаги хабар олинганда эса улар деярли манзилга етиб келишганди.

Бу вақтда сониялар ҳам аҳамият касб этади. Музаффарбек биринчи бўлиб ўт очди. Ёрдамга югуриб келаётган ходимлар ҳам унга қўшилдилар. Шу пайт бурчақдан тариллаган автомат овози Музаффарни йиқитди...

Оила аъзоларидан ҳеч ким, ҳатто отаси подполковник Турсунбой Рустамов ҳам ўғли ички ишлар ходими бўлишини хаёлларига келтиришмаганди. Ҳойнаҳой, аждодларидан мерос бўлиб ўтган биринчи бўлиш, бошлаган ишини охиригача етказиш истаги ўсмирлигидаёқ юрагидан мустаҳкам ўрин олган бўлса керак. Қолаверса, умрининг катта қисмини халққа хизмат қилишга бағишлаган, жиноятчиликка қарши курашнинг олдинги сафларида турган отаси унинг учун намуна эди.

Музаффар Рустамов барча қатори яшашни, фарзандларини тарбия

Суратда: М. Рустамовнинг отаси, қизи ва укаси.

қилишни, тўй қилишни, ота-онасига ғамхўрлик кўрсатишни хоҳларди. Режалари кўп эди. Аммо тақдир шундай экан, ажалга чора йўқ...

Эркин САТТОРОВ.

Аваз БОБОХЎЖАЕВ олган сурат.

Яна тонг отди. Қуёш шуълалари кечаги ёмғирдан ҳўл бўлган барглардаги томчиларга тушиб, етти рангда товланади. Аммо буни Андижон вилояти ИИБ Жиноят қидирув ва терроризмга қарши кураш бошқармаси катта тезкор вакили, капитан Шуҳрат Зоҳидов энди кўра олмайди. У тунда она шаҳрининг тинчлик-осойишталигини ҳимоя қилаётиб ҳалок бўлди.

У ДОИМ ОЛДИНДА БЎЛАРДИ

Лейтенант Ш. Зоҳидов 2000 йилда ўта хавфли жиноятчиларни қўлга олиш чоғида мардлик ва жасорат намуналарини кўрсатгани учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонига кўра "Жасорат" медали билан тақдирланган эди. Шуҳрат билан ўшандаги суҳбатим худди кечагидек ёдимда. Ундан жиноятчиларни қўлга олиш тафсилотларини гапириб беришни сўраганимда чуқур ўйга толиб, охирида: "Одатдаги операция... Бурчимизни бажардик-да. Воқеалар жудаям тез юз берди. Тафсилотлари эсимда йўқ", – деб жавоб берганди.

2000 йилнинг ўша март оқшоми Андижон вилояти ИИБ махсус отряди шахсий таркиби ташвиш (тревога) сигнали бўйича йиғилди. Бўлинма командири кучли қуролланган жиноятчилар ҳақида ходимларга маълум қилди. Босқинчилар вилоят маркази четидаги хусусий уйлардан бирига яшириниб олишганди.

Шахсий таркиб олдига қуролланган жиноий тўдани зарарсизлантириш вазифаси қўйилди. Бўлинма воқеа жойига етиб келиб, уйни қуршаб олди. Ҳар бир ходимнинг хатти-ҳаракати ипидан-игнасигача режалаштирилиб олингач, бинони забт этиш ҳақида буйруқ берилди.

Таркибида лейтенант Ш. Зоҳидов ҳам бўлган қўлга олиш гуруҳи тонг ғира-ширасида уйга ёпирилиб киришди. Босқинчилар буни кутишмаган экан. Операция бор-йўғи бир неча дақиқа давом этди, бирорта ҳам ўқ узилмади. Террорчилар зарарсизлантирилди.

Шуҳрат Зоҳидов Андижонда оддий оилада туғилиб ўсди. Мактабда яхши ўқиди, спорт тўгарагида шарқ якка

Шуҳрат Зоҳидов оила аъзолари даврасида.
(Сурат оила архивидан олинди).

кураши билан шуғулланди, кўп китоб мутолаа қилди.

Ҳарбий хизматни тугатиб қайтгач, орадан бир ҳафта ўтиб:

– Ички ишлар идорасида хизмат қилмоқчиман, – деди.

Ота-онаси ўғилларини бу ниятидан қайтаришмоқчи бўлишдию, унинг қатъий, бир

Шуҳратбекнинг отаси Ўткиржон Зоҳидов набираси билан.

сўзли эканини билиб рози бўлишди.

Шуҳратни Андижон вилояти ИИБ ППХ бўлинмасига қабул қилишди. Орадан икки йил ўтиб, бўлинма командири этиб тайинланди. Кейинроқ махсус бўлинмага сардорлик қилди. Хизматдан ажралмаган ҳолда университетда таҳсил олди. 2000 йилда унга лейтенант унвони берилди. То 2004 йилгача ёш офицер патруль-пост хизматида фаолият кўрсатди. Сўнг уни вилоят ИИБ ЖҚ ва ТҚКБга ўтказишди.

...Босқинчилар ваҳшийларча бостириб киришди. Улар қуролланган, тайёргарлик кўрган, шафқатсиз эди. Жиноятчилар йўлини осойишталик посбонлари тўсишди. Капитан Шуҳрат Зоҳидов олдинги сафда эди...

К.БОРИСОВ.

ТАЗАРРУ...

«МЕН МАҲБУСМАН, ЛЕКИН ЮРТНИ ТОПТАМАЙМАН»

Шу йил 13 май куни Андижон шаҳрида бир гуруҳ террорчилар томонидан содир этилган хунрезликлар оқибатида бир неча юз маҳбуслар жазони ижро этиш муассасасидан чиқариб юборилган эди. Ўтган вақт мобайнида уларнинг аксарияти ўз ихтиёрлари билан ҳуқуқ-тартибот идораларига қайтиб келишди. Шунингдек, алдовга учиб, норасмий диний оқимларга кириб қолганлар ҳам тавба-тазарру қилмоқдалар.

– Шу куни кўрганларим ҳибсда ўтирганимдан ҳам даҳшатлироқ эди, –дея сўз бошлади Расулжон Акбаров. –Эсласам ҳалиям қўрқувдан қалтирайман. Тун ярмида кимлардир "жиҳод", "жиҳод" деб қамоқхонага киришди. Ҳаммаёқ тўс-тўпалон, қий-чувга тўлиб кетди. Шу пайт камера эшигини бузишиб, бир тўда қуролланган одамлар кириб келишди.

– Андижон бизнинг қўлимизга ўтди. Сизлар озодсизлар, – дейишди, – улар.

Сўнг ҳеч кимдан садо чиқмагач, оғзига келганини қайтармай сўкишди. Ташқарига мажбурлаб олиб чиқишди. Бу ердаги манзара, юракни эзиб юборадиган даражада эди. Кечагина ўз хизмат вазифасини бажариб юрган назоратчилар ваҳшийларча ўлдирилганди. Босқинчилар маҳбусларни ана шу мурдаларни босиб ўтишга мажбурлашди. Ахир бу қайси дин, қайси миллат шаънига тўғри келади. Ахир бу марҳумни топташ эмасми?

Кўз олдимга ота-онам, уч нафар фарзандим келди. Йиғладим, бизни ўз холимизга қўйинглар, деб ёлвордим. Аммо мен ва бошқа маҳбусларнинг илтижолари уларнинг бадтар ғазабини келтирди. Қўлимизга автомат тутқазиб машинага босиб, вилоят ҳокимлиги биносига олиб келишди. Шу орада отишма бошланиб кетди. Мен шифокорман ёнимда жон талашиб ётган ярадорларга бефарқ бўла олмадим. Ёрдамга муҳтожларни тез тиббий ёрдам марказига олиб келдим. Кейин пайтдан фойдаланиб қочдим. Тонг отгунча ариқ ичида, буталар орасида ётдим. Кейин ички ишлар идорасига ўз ихтиёрим билан келдим.

Очиғини айтиш керак, маҳбусларнинг кўпчилиги ўлимдан қўрқиб қўлига қурол ушлади, асло хоҳиши билан эмас. Чунки, озодликка чиқишига озгина вақт қолганида ким ҳам билиб туриб ўзини чоҳга ташлайди.

Тўғри, эл оғзига элак тутиб бўлмайди. Бизга лаънат ўқиётганларни ҳам биламиз. Лекин халқ бир ҳақиқатни билиши керак. Биз маҳбусмиз, аммо Ватанни севамиз, уни ҳеч қачон топтамаймиз.

Шукр, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимлари, маҳаллалар фуқаролар йиғинлари раислари, оддий кишилар бизни тўғри тушунишди. Кўпчилигимизнинг қорнимизни тўйдириб, ўзлари ҳибсхонага зиён-заҳмат етказмай кузатиб қўйишди. Яна эшитдикки, ўз ихтиёри билан муассасага қайтган маҳкумларга ҳатто енгиллик ҳам берилар эмиш. Майли, вақтида билиб-билмай жиноятга қўл урган эканмиз, шунга яраша қонун олдида жавоб берямиз. Аммо виждонимизни, иймонимизни сотмадик, сотмаймиз ҳам.

Борис КЛЕЙМАН ёзиб олди.

БИЗНИ КЕЧИРИНГ...

Аслида Тошкент вилоятининг Қибрай туманиданман. Ёшим 24 да. Норасмий оқимга бундан уч йил аввал қўшилиб қолдим. Ота-онам бу йўл нотўғри эканлигини кўп бора уқтиришди. Аммо уларнинг насиҳатларига қулоқ тутмадим.

Биз – бир гуруҳ йигитлар 7 май куни пойтахтдан Андижонга келдик. Ҳарбий қисм атрофидаги хонадонлардан бирини ижарага олдик. Жами 20 нафар йигит қўл жангги машқлари билан шуғулландик.

Орадан беш кун ўтгач, ҳарбий қисм деворидан ўтмоқчи бўлганимизда аскарлар бизга қарата ўқ узишди. Мен оёғимдан яраландим. Кейин шерикларим ҳужумга ўтишди...

Мен хом хаёлларга берилганимни тушуниб етдим. Афсуски, энди кеч. Аслида ҳамма ҳавас қилгудек яшашим учун имконият ҳам, шароит ҳам етарли эди. Ҳозир қилган жиноятимдан пушаймонман. Халқимиз, юртбошимиз мени кечиришса, бундан кейинги ҳаётимни яхши ишларга бахш этиб, жамият равнақига ўз ҳиссамни қўшардим.

Дилшод АБДУСАМАДОВ.

* * *

– Оиламиз Андижон шаҳар Ҳакан қишлоғида истиқомат қилади. Ота-онам маҳалламизнинг бобрў кишилари саналишади. Мен яхшигина тадбиркор эдим. Кичикроқ бўлса-да маҳсулот ишлаб чиқарувчи цехим бор эди. Минг афсуски, Баҳром Шокиров деган ғаламиснинг ёлғон ваъдаларига учиб, йўлимдан адашдим. Диний билим ўргатиш баҳонасида мени алдашди. Бу йўлнинг охири вой эканлигини кеч англадим, ўз халқимга қарши қурол кўтаришгача бордим. Кўзларим очиқ бўлса-да, қалбим сўқир экан. Аслида улар иймон ва инсофга даъват қилувчилар эмас, балки мустақил юртимизга қарши, конституцион тузумимизни ағдариб, халифалик давлати тузмоқчи бўлган манфур кимсалар экан. Буни қонли воқеаларнинг гувоҳи бўлгач англаб етдим.

Мен Президентимиз, юртдошларимдан тиз чўкиб кечирим сўрайман.

Азиз ЮСУПОВ.

ЧЕЧАКЛАР ЁПИНЧИҚ БЎЛДИ

Бир парча қоғознинг ёнишига эътибор бергансизмисиз? Ҳосил бўлган оловдан ҳеч бир наф чиқмайди. У алдамчи сароб каби фақатгина киши кўзини бир неча дақиқага чалғитади. Бу қоғоз парчасининг ёнишини Андижондаги террорчи гуруҳлар ҳаракатига ўхшатгим келди. Ҳаёт деб аталмиш бебаҳо неъматнинг қадри, унинг лаззати бир лаҳзалик оловлардан ҳамма вақт устун туради.

Олов бир ловуллаб, тутади ва ўчди. Тутантириқ каби ғаламис кимсалар Андижондаги тинч ҳаётни издан чиқармоқчи бўлишди. Улар конституцион тузумга қарши бўлган ва бунинг учун жазо муддатини ўтаётган ўз ҳамтоқларини озод қилиш ва шу баробарида хом хаёлдан иборат исломий давлатни барпо қиламиз, деб уриниб кўрдилар. Шу мақсадда жазони ижро этиш муассасасига ҳам қуролли ҳужум уюштиришди. Нима бўлаётганини, кимлар қамоқхонага бостириб кирганини билмаган маҳбуслар ҳар томонга қоча бошлашди.

– Ўша куни ярим тунда қамоқхонага қуролланган кишилар бостириб киришди, – дейди маҳбуслардан бири Баҳром Жумабоев. – Ҳаммаёқ тўс-тўполон бўлиб кетди. Қочмоқчи бўлганларни отиб ташлаймиз, бизга бўйсунасанлар, деб дўқ уришди. Қўрққанимиздан ҳаммамиз кўчага чиқдик. Кейин бизни вилоят ҳокимияти томон бошлаб боришди. Биз уларга жонли девор бўлдик. МХХ биноси олдига борганимизда эса бизни орқамизда туриб, хавфсизлик хизмати биносига ўқ узишди. Ҳаммамиз ҳар томонга қоча бошладик. Қочаётганимда курагимга ўқ тегди, иккинчи ўқ бармоғимни узиб кетди. Мен ҳолсизланиб, йиқилиб тушдим, тепкилаб ўтиб кетишди. Улар ёш болалар ва аёлларни отиб ташлашганини кўриб, шафқатсизликларига ҳайрон қолдим. Тўғри, мен жиноятчиман, ўғрилик содир қилиб уч маротаба судланганман, лекин бундай ваҳшийликка қўл ура олмайман. Ватанимни, халқимни сота олмайман. Юрагим бетламайди. Ўша воқеа жойида ҳушсиз ётганимда менга яхши одамлар ёрдам бериб, касалхонага олиб боришди. Шифокорлар яхши қарашди. Касалхонада мен маҳбус эканлигимни айтдим. Яна муассасага қайтиб келдим.

– Ўша куни ҳаммамизни йиғиб, қурол ўқталганча ҳокимлик биноси томонга олиб боришганида мен йўлини топиб бир ариқ ичига ётиб олдим, – дейди озодликдан маҳрум этилган Павел Шерданов. – Тонг отгунча ўша жойда беркиниб ётдим. Кейин одамлардан суриштириб, қамоқхонанинг манзилини сўраб қайтиб келдим. Бошқача йўл тутишим мумкин эмасди. Кўпчилик менинг қайтишимга ҳайрон бўлди. Негаки, 20 йилга озодликдан маҳрум этилганман. Жиноятим учун жазоланаётган бўлсамда, ўша қонхўр кимсаларга қўшилиб қўлимни бегуноҳ инсонлар қони билан булғашни истамадим.

Андижон воқеалари ҳали узоқ вақтларгача кўпчиликнинг муҳокамасида бўлади. Одамларни фикрлашга, мулоҳаза юритишга ундайди. Энг муҳими, одамлар бўлиб ўтган воқеаларни тўғри тушуниб, унга холис баҳо беришмоқда. Юрт учун, эл учун ҳалок бўлганлар хотирасини азиз тутишмоқда.

Суратда: А. Жўрабоевнинг онаси (чапдан), турмуш ўртоғи ва синглиси.

Андижонда ҳаёт яна ўз измида, ўз оқимида давом этмоқда. Одамлар тинч ҳаёт кечиришаяпти. Бозорларда савдо-сотиқ ишлари авжида. Тўй-тантаналар бўлаяпти. Ота-онасига олам-олам қувонч бағишлаб чақалоқлар туғилаяпти. Улар ҳаётимиз давомчилари бўлишади.

Анваржон Жўрабоев ички ишлар идораларида 1999 йилдан буён хизмат қиларди. 2003 йилда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ёнғин хавфсизлиги олий техник мактабини тугаллаб, Андижон вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармасида ёнғин хавфсизлиги қисмлари жанговар тайёргарлигини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш бўлими муҳандиси лавозимида ишлаётган эди. Шафқатсиз ўлим уни ҳам орамиздан бевақт олиб кетди. Ватан ҳимояси йўлида собит турган мард ўғлон ҳалок бўлди.

Ҳар тонг Маъруфжон Ҳакимов ҳам юртдошлари каби хизмат вазифасини бажаришга ошиқар эди. Тонгдек мусаффо эди унинг орзулари. Афсуски, ўлим унинг бу тилак-истаклари устига ўзининг қора қўланкасини ташлади. Ўша машъум куни жазони ижро этиш муассасасида хизматда эди. Муассасага бостириб кирган диний экстремистларнинг қўлида ҳалок бўлди.

Биз мардлик намунаси кўрсатиб, эл-юрт тинчлигини асраш йўлида ўз жонини фидо қилган йигитлар ҳақида оз бўлса-да ҳикоя қилдик. Улар жасоратини биргина мақолада тўла очиб бериш мушкул. Бу мардлик ва жасорат йиллар оша ҳамюртлар тилидан тушмайди. Улар дуога қўл очганларида, тўй-томошалар қилганларида, фарзанд кўрганларида, албатта мард ўғлонларни эслашади. Улар шаънига шеърлар, қўшиқлар, достонлар ёзилади. Мана, дастлабки хотира шеърларидан бири. Уни Маъруфжоннинг ҳамкасби вилоят ИИБ ШТБИХ шахсий таркибни тарбиялаш, ижтимоий ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўлими катта инспектори Бахтиёржон Азимов ёзибди. Юракдан битилган ушбу шеърни асл ҳолича келтираяпмиз.

Суратда: М. Ҳакимовнинг турмуш ўртоғи фарзанди билан.

Йигитлик умрини елларга,
Совуриб юрибди қанчалар.
Эсласам ҳар сафар дилимга,
Аламлар наштардек санчилар.

Бир гуруҳ ношукур газанда,
Ёш умринг йўлларин пойлади.
Ой кўкда жилмайиб тўлганда,
Кўксингга қора ўқ жойлади.

Жудолик ҳукмига чидолмай,
Муштипар онанинг ҳоли танг.
Келинлик либосин киёлмай,
Атрофга жовдирар Ироданг.

Сафимиз метин-ку, ўрнинг лек,
Турибди шундайин сезилиб.
Қабрингни тавофлар қилгандек,
Чечаклар чайқалар эзилиб.

Биз ҳалок бўлган жасур ўғлонларга у дунё роҳат-фароғатини, яқинларига сабр-бардош тилаб қоламиз. Илойим, бундайин мусибат бошқа ҳеч кимнинг бошига тушмасин.

Феруза САЪДУЛЛАЕВА,
капитан.

Жасур АБДУЛЛАЕВ олган суратлар.

ЯХШИЛАР ДОИМ ОМОН БЎЛИШСИН!

Аввало ўзимни таништириб ўтмоқчиман. Мен 2004 йил 29 март куни ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш йўлида ҳуқуқбузарлик, жиноятчилик ва терроризмга қарши курашда жиноятчилар узган ўқдан ҳалок бўлган, Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ИИБ собиқ профилактика инспектори, катта лейтенант Мансур Турғуновнинг отасиман.

Ўғлимнинг икки норасида фарзанди отасиз қолди. Начора, тақдирга тан бермай иложимиз йўқ. Аммо бир ҳовуч тажовузкор кимсалар шуни билиб қўйсинларки, ўзларининг қабиҳ ишлари, қонли қўллари ва дўқ-пўписалари билан бизни қўрқитолмайди. Юртимизда бирорта жиноятчи ёки террорчи жазосиз қолмаслигига аминман.

Андижон вилоятида рўй берган воқеалар кўпчилик қатори мени ҳам ғазаблантирди. Худди ўзим ўйлагандек, уларнинг хом хаёллари пуч бўлиб чиқди, кўзлаган ғараз мақсадларига ета олмай, шармандаларча қочиб қолдилар.

Ўз халқининг тинчлиги, осуда ҳаёти ва хавфсизлигини таъминлаш учун тиним билмай саъй-ҳаракатлар қилаётган Президентимизга чуқур миннатдорчилик билдириб, озод Ватанимиз равнақи йўлида олиб бораётган машаққатли, аммо шарафли ишларига омад тилайман.

Агар бордию зарурат туғилиб қолса, мен ҳам ёшларимиз билан бир сафда юртимиз тинчлиги, осойишталигига раҳна солишга уринаётган қора кучларга қарши курашга тайёрман.

Шукрки, юртимизда савобталаб инсонлар кўплаб топилади. Улар ўғлим оламдан ўтиб, бошимизга ташвиш тушганда қайғу-аламимизга шерик бўлдилар. Шу ўринда оиламиздан ўз ёрдамини аямаётган Самарқанд вилояти ИИБ раҳбарияти, Каттақўрғон тумани ҳокимлиги ва ички ишлар бўлими ходимларидан мамнунман. Яхшилар доим омон бўлиб, дунё тургунча туришсин.

Абдусалом ТУРҒУНОВ,
меҳнат фахрийси.

МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ ҲУШЁР

шу сабабли ўқ-дорилар ички ишлар идораларига топширилди

Андижон шаҳридаги Ал-Бухорий номли маҳалла фуқаролар йиғини идорасига шу йил 13 май куни эрталаб соат 6.00 да Ҳамроқулов номли кўча бошидаги гулхонада иккита шубҳали қути ётганлиги тўғрисида хабар берилди. Маҳалла оқсоқоли Муҳаммаджон Исмоилов бу ҳақда мутасадди идораларни хабардор қилди. Вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари уларни текшириб кўришди. Номаълум шахслар томонидан ташлаб кетилган қутиларда ўқ-дори ва резина гранаталар бор экан. Топилма тегишли жойга олиб кетилди.

Воқеа содир бўлган куни маҳалла фаоллари ўзларини йўқотиб қўймадилар. Ўша куннинг ўзидаёқ махсус гуруҳ тузилиб, улар хонадонлар, фуқаролар ўртасида тушунтиришлар олиб боришди. Ваҳимага берилмаслик, тинчлик, осойишталикни сақлаш чора-тадбирлари кўрилди.

– 13 май кунидан бери, – дейди М. Исмоилов, – фаолларимиз бир зум бўлса-да, тиним билишмади. Кўчама-кўча, уйма-уй юришиб, фуқароларнинг деярли ҳар бири билан вазият юзасидан суҳбатлашишди. Айни кунларда ҳушёрликни ошириш чоралари кўрилди. Ҳар бир кўчада посбонлар ҳаракати йўлга қўйилди. Маҳаллага кираверишдаги кўчаларда кундузги ва тунги навбатчилик ташкил этилган. Хуллас шаҳримизда вазият анча барқарорлашди.

Ўз мухбиримиз.

Хизматларда

ҲАР БИР ҲОЛАТ ЭЪТИБОРДА

Одатига кўра эрталаб канал соҳилига – сув чиқариш насосидан хабар олишга келган Мадраҳим отанинг вудужини бирданига совуқ тер босди: электр асбоб-ускунлари сақланадиган темир сандиқча эшиги қўпорилиб, шип-шийдон этилган, мотор ўғирлаб кетилган эди.

– Оббо пасткашлар-ей, яратганнинг ғазабига дучор бўлгайсизлар! Жамоанинг мулкига чанг солган ёвузлар ким экан?

Отанинг серажин юз-кўзларида нафрат учқунлари зоҳир бўлди. Ўтган йил муайян ҳудуд аҳолиси ва саховатли тадбиркор А. Қаландаровнинг маблағи ҳисобига қурилиб, ишга туширилган бу иншоотда содир этилган ўғирлик (қарийб бир миллион сўмлик) Урганч тумани маркази аҳолисини ғоят ғазаблантирди. Оқсоқоллар бу ҳақда туман ички ишлар бўлимини хабардор этишди. Капитанлар Кўпал Жуманиёзов, Оллаёр Ҳайитов, лейтенант Умидбек Ҳайитовлардан иборат тезкор гуруҳ ўғриларни излашга киришди. Туман, шаҳар бозорларидан шу тур моллар билан савдо қилувчи тижоратчилар, муқаддам ўғирлик содир этиб судланган, эндиликда эса ҳалол ҳаёт кечириш йўлига ўтган кишилардан сўраб-суриштиришди. Улар ҳафтаўн кун мобайнида ҳеч ким бундай молларни сотишга олиб келганини эшитмаганликларини айтишди. Хонқа, Ҳазорасп бозорларида ҳам бўлдилар. Ниҳоят калаванинг учи топилди: ўрта ёшдаги киши уларга Урганч шаҳрида яшовчи бир кимса унга насос двигателини сотмоқчи бўлганини айтди.

Уч-тўрт кунлик сўраб-суриштиришлар, кўп қаватли уйлар атрофида мижжа қоқмай ўтган бедор тунлар самара берди. Ўғирлик содир этган гуруҳ бошлиғи, кўп қаватли уйлардан бирида яшовчи, муқаддам судланган кимса ашёвий далиллар, гувоҳлар олдида ўз айбига иқрор бўлди. Ўғирланган мол жамоага – ўз эгаларига қайтарилди. Ҳудуд аҳолиси ички ишлар бўлими ходимларига чуқур миннатдорчилик билдирдилар.

– Гуруҳ раҳбари Кўпал Жуманиёзов довюрак, тажрибали ходимларимиздан биридир, – дейди туман ИИБ бошлиғининг ўринбосари, майор Отамурод Қаландаров. – У ўн йилдан бери қатор қишлоқларда хизмат қилди. Эндиликда шаҳар атрофидаги ғоят мураккаб ҳудуд – туманимиз марказида ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш юзасидан амалий иш, тарғибот-ташвиқотлар олиб бормоқда. Кейинги икки йил мобайнида шу ҳудудда жиноятчилик, ўғирлик, гиёҳвандлик сезиларли даражада камайди. Яқинда Кўпал Жуманиёзов бошлиқ йигитлар гиёҳвандлик моддалари олди-сотдиси билан шуғулланиб келган гуруҳни фош этишди.

Кўпал Жуманиёзовнинг ҳудуддаги маҳаллалар оқсоқоллари, посбонлари, мактаблар жамоалари, кенг жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб бораётгани эътиборга моликдир.

И. СОБИРОВ,
Х. ЖАББОРОВ.

Суратда: *Урганч туман "Мевазор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Шукуржон Ҳажиева туман ИИБ профилактика инспектори, капитан Кўпал Жуманиёзов ва маҳалла посбони Мақсуд Тиллаев билан.*

Маълумки, Қашқадарё вилоятида бўлиб ўтган республика кинологлари мусобақасида қорақалпоғистонлик кинология хизмати фельдшери, сержант А. Жабборберганов ўзига биркитилган "Астон" лақабли хизмат ити билан қатнашиб, "Антитеррор" йўналиши бўйича фахрли иккинчи ўринни эгаллаган эди. У Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг иккинчи даражали дипломи ва видеомагнитафон билан мукофотланди.

Қидирув ва одрология бўлинмасининг йўриқчи-кинологи, сафдор А. Базаров эса "Рекс" лақабли хизмат ити билан из олиш – "Хизмат биатлони" йўналиши бўйича учинчи ўринни қўлга киритди. Унга Қашқадарё вилояти ИИБнинг учинчи даражали мақтов ёрлиғи ва аудиомагнитафон берилди.

Шу муносабат билан ўтказилган йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, полковник Ў. Турдақов ғолиб кинологларни эришган муваффақиятлари билан қутлаб, келгуси ишларига омад тилади ҳамда эсдалик совғаларни топширди.

Дурдибой ХУДОЙШУКУРОВ.

Суратда: *сержант А. Жабборберганов "Астон" лақабли ити билан машғулот пайтида.*

Умрбек ЕРМАНОВ олган сурат.

Инсоният яралибдики, гўзалликка, орасталикка интилиб яшайди. Айниқса, аёллар бу борада анча илгарилаб кетган. Улар эрамиздан олдинги даврларда ҳам турли тақинчоқларга ўч бўлишганини археологик қазишмалар кўрсатмоқда. Шундай экан, айни дориломон кунларда онажонларимиз, опа-сингилларимиз ҳамда қизалоқларнинг ўзларига ярашган зирак, билагузук, узугу бўйинларидаги нафис занжирларни кўрган ҳар қандай одамнинг ҳаваси келиб, завқланади. Улар таққан заргарлик буюмларининг ҳар бири санъат асарига тенг, десак янглишмаймиз. Санъат асарларининг эса, айниқса, у кўз олдингизда ярақлаб турса, шайдоси кўп бўлади...

ОЛТИН СИРҒА ЧИРОЙЛИ, ЛЕКИН...

Пойтахт кўчаларидан бирининг четида, йўлакда кетаётган қиз бирданига: "Ёрдам беринглар! Занжиримни юлиб қочди!" дея қичқириб юборди. Шу атрофдаги ошхонада овқатланиб ўтирган бир нечта йигит қочиб бораётган икки йигитни қувлаб, тутиб олдилар. Лекин уларнинг қўлида ҳам, чўнтакларида ҳам, ҳатто қиз турган жойдан то талончилар ушланган жой оралиғида ҳам тилла занжир йўқ эди.

Ҳушёр йигитлар ушланганларни тезда етиб келган ички ишлар ходимлари ихтиёрига топширишди. Тақинчоқ қаерга "яширилгани" рентген ёрдамида аниқланди. Талончилардан бири уни ютиб юборган, буюмни шу йўл билан ўзлаштирмоқчи бўлган экан.

Бу – баъзан учраб қоладиган воқеа. Лекин айни кунларда ҳам тилла тақинчоқ таққан қиз-жувонларни кўрса, уларнинг ортидан тушувчи кимсалар учраб қолмоқда. Масалан, Мирзо Улуғбек туманида яшовчи Қ. Феруза соат 20.30 ларда шундоққина уйининг олдига чиқди-ю, бирдан чинқириб юборди. Сабаби, ундан ниманидир сўрамоқчи бўлган аёл эпчиллик билан қулоғидаги қимматбаҳо сирғани юлиб қочган эди. Табиийки, ўз хатти-ҳаракати билан мунис опа-сингилларимиз шаънига доғ туширган талончи – 1959 йилда туғилган Ғ. Элмира ички ишлар ходимлари томонидан ушланди.

Бири самарқандлик, иккинчиси Навоий шаҳрида яшовчи Ш. Татьяна ҳамда Т. Нилуфарлар бир пайтнинг ўзида тилла зиракларидан айрилдилар. Тақинчоқларни олиб кетган Т. Ғалина ҳамда судланиб ҳам тўғри йўлга кирмаган О. Фазлиддин ва унинг шериги Б. Суннатиллолар ашёвий далиллар билан қўлга олиндилар. Худди шу куни, Бухоро шаҳридаги "Карвон бозор" олдида бир киши Б. Наргизанинг бўйнидаги тилла занжирини юлиб қочди. Наргиза қимматбаҳо тақинчоғини қайта кўришдан умидини узган эди, лекин ўз касбига содиқ ички ишлар ходимлари ғиждувонлик В. Муҳиддиннинг қўлида ўғирланган занжир билан ушлаб олиб келишгач, қувончини яшира олмади.

Келтирилган мисоллар билан опа-сингилларимизни ваҳимага солмоқчи эмасмиз. Бироқ ясантусан, пардоз-андознинг ҳам ўз мавриди, меъёри бор. Ишхонага, бозор-ўчарга, шунчаки иш билан ёки сайр қилгани кўчага, истироҳат боғига чиққанда бисотидаги бор тилла буюмларини кўз-кўз қилиш бачканалик билан бирга хавфли ҳамдир.



Онахонлар, айниқса, бошланғич синфда ўқиётган ёки боғча ёшидаги қизалоқларга тилла тақинчоқ тақишда сал мулоҳаза қилганлари маъқул. Сабаби, бир неча йил муқаддам вилоятлардан бирида ақли-ҳуши жойида бўлган, лекин раҳм-шафқатни билмаган қиз иккита қизалоқнинг тилла зиракларини ечиб олиб, ўзларини дарёга итариб юборганини ҳали кўпчилик унутмаган бўлса керак.

Тақинчоқларни олиб қочиб, пул топмоқчи бўлган, қонунга хилоф иш тутувчилар, улар хоҳ аёл, хоҳ эркак бўлсин, бу қилмишлари билан кўпнинг қарғишини олиши ҳамда жиноий жазога тортилишлари муқаррарлигини унутмасликларини истардик. Чунки аёл кишини, айниқса, ёш қизчаларни чирқиратганни Аллоҳ ҳам, бандалари ҳам кечирмайди. Шу сабабли ҳам талончилар "ўлжа"ларини бир ёқли қилиб улгурмаёқ қўлга тушмоқдалар. Бунда албатта, ички ишлар ходимлари қатори фуқароларимизнинг ҳушёрлиги ва фидойилиги ҳам наф бермоқда.

Валишер МАДАМИНОВ.

Хизматларда

ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ ОЛДИ ОЛИНАДИ

Мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида навбатдаги ўқув йили якунланди. Синфдан-синфга аъло баҳолар билан ўтган минглаб ўқувчиларнинг қувончи чексиз. Уларни олдинда "катта таътил" – уч ойдан ортиқ дам олиш даври кутмоқда. Ота-оналар зиммасига эса яна бир юк ортилди: кимдир боласини дам олиш масканига, бошқа биров қишлоқдаги яқин қариндошиникига меҳмонга юбориш тараддудида. Айниқса, ишга эрта кетиб, кеч қайтувчиларга қийин. Ўғил-қизлари борган жойларида бир-бир ярим ой бўлишар. Кейин улар уйда, катталарнинг назоратисиз қолишади. Шаҳарда-ку компьютер ўйнаб, телевизор кўриб, кунни кеч қилишар. Қишлоқларда-чи?

– Қишлоқ боласининг асосий вақти далада ёки молқўй боқиш билан ўтади, – дейди Наманган вилояти Янгиқўрғон тумани ИИБ профилактика инспектори, катта лейтенант Ғуломжон Бурҳонов. – Шу сабабли ҳам ёзги таътил даври бўлишига қарамай вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар деярли учрамайди. Бундан ташқари, туман ИИБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлинмаси ходимлари ҳам болаларнинг ёзги дам олиш мавсумини беталофат ўтказиш, ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш учун бор имкониятларни ишга солмоқдалар. Туман ҳудудида соя-салқин болалар оромгоҳлари кўп. Бу эса ҳар бир ходим зиммасига қўшимча масъулият юклайди.

– Республика ИИВ Транспорт ИИБ раҳбарияти, айниқса, "Тошкент" транспорт ИИБ мутасаддилари томонидан вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар содир этилишига йўл қўймаслик борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда, – дейди "Тошкент" транспорт ИИБ ВЕОҲООБ катта инспектори, майор Нарзулла Исиргапов. – Ходимларимиз йил бошидан буён республикамиздаги уч юзга яқин мактабларда, бундан ташқари вояга етмаганлар билан ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида кўп марта суҳбатлар ўтказдилар. Темир йўллар атрофида жойлашган маҳаллалар, деярли ҳар бир хонадон, мактабларда, бўлиб, ёзги мавсумни ташкиллаштиришга имкон қадар кўмаклашмоқдалар.

– Бу борада Тошкент "Товар" ИИБ ВЕОҲООБ инспектори, катта лейтенант Қаҳрамон Саидмуродов, "Тошкент" транспорт ИИБ ВЕОҲООБ инспекторлари, лейтенантлар Нурали Аҳмедов, Сарвар Отажонов, капитан Гулнора Парпиева каби кўплаб ходимларнинг бизга бераётган кўмагидан мамнунмиз, – дейишди Ҳамза туманидаги Чўлпон маҳалласи оқсоқоли Баҳром Масидов ҳамда 30-мактаб директори Раим ака Абдураимов. – Улар нафақат ёзда, балки йил давомида ташриф буюриб, вояга етмаганлар орасида турли мавзуларда суҳбатлар ташкил этишади. Шу боис ҳам ўсмирлар ҳуқуқбузарликлар содир этишмаяпти.

Бундай самимий сўзларни Янгийўл, Оҳангарон, Тўқимачи, Чирчиқ тармоқ ИИБлари ВЕОҲООБ инспекторлари, капитанлар Ўрозали Ўскенбаев, Абдунаби Атақулов, Яҳё Иноғомов, Одилжон Қорёғдиевлар ҳақида ҳам эшитдик.

– Темир йўллар атрофида ҳамиша ҳушёр бўлиш, изларда юрмаслик, махсус симёғочлар, трансформаторларга яқинлашмаслик, темир йўл кесишмаларидан ўтишда эҳтиёт бўлиш, темир йўлга яқин жойларда чорва моллари боқмаслик, ўйнамаслик ҳақида маҳаллий радио, телевидениеда чиқишлар, кўрсатувлар ташкил қилиб, газеталарда мақолалар ёритяпмиз, – дея суҳбатни давом эттиради Н. Исиргапов. – Йил бошидан буён Бўстонлиқ, Чиноз, Чирчиқ туманларидаги барча мактабларда, Ҳамза туманидаги темир йўлга яқин жойлашган "Маърифат", Ш. Рашидов номли маҳаллаларда бўлиб, поезддан эҳтиёт бўлиш, айниқса, вагонларга тош отмаслик борасида тушунтириш ишлари олиб бордик. Ва бу ишлар, табиийки, давом эттирилаяпти. Лекин шунга қарамай жорий йилнинг ўтган ойи давомида вояга етмаганлар томонидан темир йўлларда ҳаракатланаётган вагонларга қарата 17 марта тош отиш ҳолати қайд қилиниб, вагонларнинг 50 дан ортиқ ойнаси сингани аниқланди. Бу ҳуқуқбузарликларни содир этган ўн беш нафар ўсмирга нисбатан зарур ҳужжатлар тайёрланди ва яшаб турган жойларидаги ҳокимликлар қошидаги вояга етмаганлар билан ишлаш комиссияларига тақдим этилди.

Болаларнинг қилмиши уларнинг ота-оналарига ҳам қимматга тушди. Масалан, олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида "Жиззах–Тошкент" ва "Тошкент–Бухоро" йўналишлари бўйлаб кетаётган поездларга қарата тош отиб, вагон ойнасини синдирган янгийўллик икки тенгқур – 1993 йилда туғилган Ҳасан Холматов ҳамда Икром Жўраевлар аниқланиб, уларнинг қилмиши ҳужжатлаштирилди.

14 март куни Бекобод станциясида "Конибодом – Душанбе" йўналишида ҳаракатланаётган йўловчи поездга қарата тош отиб, ойна синдирган ўн олти ёшли Қодир Ҳасанов ҳам қилмиши туфайли ходимларимиз олдида бош эгиб қолди...

– Ҳаракатланаётган поездларга қарата тош отган болаларнинг қилмишлари учун кўпинча ота-оналар мулзам бўлиб, қонун олдида жавоб берадилар, – дея суҳбатни давом эттирди Транспорт ИИБ ҲООБ бошлиғи, подполковник Муҳаммаджон Қурбонов. – Лекин ақли – ҳуши жойида бўлган, катта ёшдаги одамлар ҳам шундай қилмишга қўл уришганига нима дейсиз? Жорий йил 14 февраль куни Бухоро вилояти Когон шаҳрида "Астрахан – Кўлоб" поездига қарата тош отиб, 2 та вагон ойнасини синдирган, 1983 йилда туғилган Улуғбек Ҳакимов ходимларимиз томонидан аниқланиб, ушланди.

Хоразм вилояти Питнак шаҳрида яшовчилар, 23-25 ёшли фуқаролар Отабек Қиличев, Руслан Яхшимуратов, 1957 йилда туғилган Дармон Каримова, 1985 йилда туғилган Назокат Азизоваларнинг қилмиши бошқаларникидан ошиб тушди. Улар станцияда "тўхтамай, ҳаракатда давом этгани учун" "Тошовуз – Ашхобод" йўловчи поездига қарата тош отиб, тепловознинг 2 та, йўловчилар кетаётган вагонлардаги 8 та ойнани синдирганлар.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, ҳаракатланаётган поездларга қарата тош отиб, инсонлар ҳаётига хавф туғдириш билан нафақат вояга етмаганлар, ҳатто катта ёшдагилар, аёллар ҳам шуғулланмоқдалар. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда Транспорт ИИБ ва тизимлари томонидан хизмат ҳудудларида вагон ойналарини синдириш, темир йўл иншоотларидаги марказлаштирилган алоқа воситаларига шикаст етказилиши, бахтсиз ҳодисалар, рангли металл ўғриликларининг олдини олиш борасидаги профилактик ишларни янада фаоллаштириш борасида режа ишлаб чиқилиб, амалга оширила бошланди. Тадбирларга барча куч ва воситаларни фаол жалб этиш чоралари кўрилди. Ходимларни бир нечта гуруҳларга бўлиниб, салбий ҳолатлар кўпроқ юз бераётган жойларда доимий профилактик ишлар йўлга қўйилди. Бу эса ўз самарасини беришига шубҳа йўқ.

Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.

ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА

E-mail: urmvd@globalnet.uz Тел.: 54-37-91

"Пойтахтимиздаги "Жар" спорт соғломлаштириш мажмуида турли хил спорт тўгараклари фаолият юритаяпти, деб эшитдим. Беш яшар ўғлим шу ерга олиб боринг, деб қўймаяпти. Унинг бирорта тўгаракда қатнашиш имконияти борми?

О. Фаёзова,
Тошкент шаҳри,
Бектемир тумани".

Ушбу саволга жавоб беришни республика ИИВ "Жар" спорт соғломлаштириш мажмуи бошлиғи, полковник А. Исаходжаевдан илтимос қилдик.

– Бугунги кунда мажмуада теннис, таэквандо, каратэ, кураш, дзюдо, бокс, бадиий гимнастика, сузиш каби 13 та спорт тўгараклари мавжуд. Уларга болалар олти ёшдан бошлаб қабул қилинади. Машғулотларга иштирокчилар пул тўланганлиги ҳақидаги тўлов чипталари орқали қўйилади. Шуни айтиб ўтиш зарурки, кам таъминланган оилаларда тарбияланаётган, ногирон ва етим болалар учун маълум имтиёзлар белгиланган.

* * *

"Ички ишлар вазирлиги тизимида меҳнат қилаётган ҳарбий хизматчиларга касаллиги туфайли таътиллар қандай тартибда берилади? Жавобингиз учун олдиндан миннатдорчилик билдираман.

О. Мадаминов,
Қарши шаҳри".

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тошкент олий ҳарбий-техник билим юрти бошлиғининг ўринбосари, полковник О. Жалилов:

– Оддий ва бошлиқлар таркибига бетоблиги туфайли таътиллар ҳарбий-шифокорлик комиссиясининг хулосасига кўра тақдим этилади. Таътил муддати касаллик қай даражада эканлигига қараб белгиланади. Хасталик бўйича тиббиёт муассасасида узлуксиз бўлиш муддати 4 ойдан ошмаслиги керак. Лекин узоқ муддат даволанишни талаб этадиган касалликлар бундан мустасно.

* * *

"Эски жува" бозори ҳудудида икки нафар ички ишлар ходими тўхтатиб, шахсимни тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатишимни талаб қилди. "Мен шу яқин атрофда яшайман. Бирор ножўя ҳаракат қилмадим-ку", дея эътироз билдиришим зое кетди. Уларнинг хатти-ҳаракати тўғрими? Умуман, патруль-пост нарядлари қайси ҳолларда фуқароларни тўхтатиб текширишга ҳақли?

М. Сотволдиев,
ҳайдовчи."

Республика ИИВ Патруль-пост хизмати ва жамоат тартибини сақлаш Бош бошқармаси бошлиғи, полковник У. Нарзуллаев:

– Патруль-пост нарядлари белгиланган йўналишларда хизмат олиб бораётган ҳудудда қонунбузарликка йўл қўйган, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғига хавф соладиган, ғайритабиий хатти-ҳаракатлар қилган, ўзига нисбатан шубҳа уйғотувчи кўринишга эга бўлган шахсларни тўхтатиб, текшириш ҳуқуқига эгадирлар.

* * *

"Мамлакатимизда фуқаролар ҳарбий хизматга неча ёшгача қабул қилинади? Имкони бўлса бу борадаги манбадан хабардор қилсангизлар.

С. Тўхтахўжаев,
Бухоро вилояти".

Ўзбекистон Республикаси "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасида хизматга қабул қилиш қуйидагича белгиланган:

– ҳарбий-ҳисоб мутахассислиги бўйича касбий тайёргарликка эга бўлмаган ҳарбий хизматга мажбурлар ва аёллар – 30 ёшгача, оддий аскарлар таркиби лавозимига;

– аввал шартнома асосида ҳарбий хизматни ўтаган оддий аскар ва сержантлар таркибидаги ҳарбий хизматга мажбурлар – 40 ёшгача, оддий аскар ва сержантлар таркиби лавозимига:

– муддатли ҳарбий хизмат ва сафарбарлик чақирув резервида хизматни ўтаб мутахассислиги бўйича касбий тайёргарликка эга ҳарбий хизматга мажбурлар ва ҳарбий хизматга мажбур аёллар – 30 ёшгача, оддий аскар ва сержантлар таркиби лавозимига:

– заҳирадаги ва резервдаги офицерлар – 40 ёшгача, офицерлар таркиби лавозимларига.

* * *

"Ота-оналар билан келишиб, таътил вақтида ўқувчиларни Самарқанд шаҳрига саёҳатга олиб бормоқчи эдик. Шу мақсадда бир нечта шахсий автобуси бор ҳайдовчилар билан гаплашдим. Уларнинг ҳаммаси бунинг учун махсус рухсатнома кераклигини айтишяпти. Болаларни дам олиш масканларига олиб бориш тартиби қандай?

З. Обидов,
мактаб директори".

Мазкур саволга республика ИИВ Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи, полковник С. Абдурасулов шундай жавоб берди:

– Ҳайдовчилар тўғри айтишган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиясининг 2000 йил июнь ойида бўлиб ўтган йиғилиши баённомасига асосан оммавий ташишлар, жумладан болаларга хизмат кўрсатиш (соғломлаштириш ва дам олиш масканларига олиб бориш, маданий саёҳатга олиб чиқиш ва қайтиш) жараёнида уларни автотранспорт воситаларида ташиш бевосита ЙПХ ходимлари кузатувида амалга оширилиши лозим. Шуни ҳам таъкидлаш зарурки, аҳоли, корхона, ташкилот ва муассасалар ходимлари, ўқув юртлари ўқувчиларининг дам олиш масканларига чиқишлари, саёҳат ва зиёратларга боришлари маҳаллий ҳокимликлар ҳузуридаги йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш комиссиялари томонидан бериладиган рухсатномага асосан ташкиллаштирилади.

* * *

"Умр йўлдошим жазони ижро этиш муассасасида жазо муддатини ўтаяпти. Йўллаётган мактубларида муассаса раҳбарлари хулқ-атворидан мамнун эканликларини маълум қилмоқда. Турмуш ўртоғимга ўхшаш маҳкумлар рағбатлантириладими?

С. Одинаева,
уй бекаси."

Ўзбекистон Республикаси Жиноят ижроия кодексининг 102-моддасига биноан яхши хулқ-атвори, меҳнатга ва таълимга виждонан ёндашиши, тарбиявий тадбирларда фаол қатнашгани учун жазони ўтаётган маҳкумларга қуйидаги рағбатлантириш чоралари қўлланилади:

– ташаккурнома эълон қилиш;

– илгари қўлланилган интизомий жазо чорасини муддатидан олдин олиш;

– ёрлиқ, қимматбаҳо совға ёки пул мукофоти;

– қўшимча посилка, йўқлов ёки бандероль олишга рухсат бериш;

– озиқ-овқат маҳсулотлари ва кундалик эҳтиёжи учун зарур бўлган нарсаларни муассаса дўконидан харид қилиш суммасини кўпайтириш;

– енгиллаштирилган сақлаш шароитига ўтказиш; (манзил-колонияларида сақланаётган маҳкумлар бундан мустасно).

* * *

"Суриштирувчи қандай хизмат ваколатларига эга? Шу ҳақда маълумот берсангизлар.

А. Сафаров,
Тошкент туманида
яшовчи тадбиркор".

Тошкент вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, полковник Р. Акбаровнинг тушунча беришича, суриштирувчи жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл қўймаслик, далилларни тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш, яширинган гумондорлар ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш, жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш учун кечиктириб бўлмайдиган барча тергов ҳаракатларини бажариш ва бошқа вазифаларга масъулдир.

* * *

"Биринчи хотиним уч фарзанд билан ажрашиб кетган. Болаларим учун иш ҳақимнинг 50 фоизи миқдорида алимент тўлаб келаяпман. Ҳозир оиламда яна 4 нафар вояга етмаган фарзандим бор. Турмуш ўртоғим ишламайди. Алиментдан қолган маошим оиламни боқишга етмаяпти. Юқоридаги алимент менга тўғри тайинланганми?

Қ. Собиров,
Боғот тумани".

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 99-моддасига асосан вояга етмаган уч фарзандингиз учун иш ҳақининг ярми миқдоридаги алимент тўғри тайинланган. Мазкур кодекснинг 105-моддасида эса алимент тўлаётган киши моддий жиҳатдан қийналаётган бўлса, алимент миқдорини камайтириш ёки тўлашдан озод қилиш ҳам кўзда тутилган. Бунинг учун судга мурожаат қилишингиз лозим.

* * *

"Қўшним билан жанжаллашиб қолиб, ҳудуддаги профилактика инспекторига ариза берган эдим. Инспектор қўшнимнинг узоқ қариндоши бўлгани туфайли масалани ҳал қилишни чўзиб юборди. Маслаҳат беринг, нима қилай?

Э. Жўраев,
Қумқўрғон тумани".

Сурхондарё вилояти ИИБ бошлиғининг ўринбосари, полковник С. Чориев:

– Республика Ички ишлар вазирлигининг тегишли буйруғи талабларига асосан жиноятлар тўғрисида фуқаролардан тушган ариза ва шикоятлар 7 кун ичида, жиноят аломатлари бўлмаган аризалар эса 15 кун ичида текширилиши зарур. Агар қўшимча текширишлар лозим деб топилса туман ИИБ бошлиғининг рухсати билан аризани текшириш муддати бир ойга узайтирилиши кўзда тутилган. Агар профилактика инспекторига берган аризангизнинг муддати ўтиб кетган бўлса, унда туман ёки вилоят ИИБ бошлиғига мурожаат этишингиз мумкин.

Сиз кутган учрашув

«ОДАМЛАРНИ ЯХШИ КЎРАМАН»

Сир эмаски, халқимиз орасида санъаткорлардан Зокировлар сулоласи алоҳида ҳурматга, ўз ўрнига эга. Бугун биз ана шу сулоланинг вакилларидан бири бўлган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Жамшид Зокиров ҳақида ҳикоя қилишга жазм этдик. Жамшид ака босиқ, камгап, ҳамсуҳбатига нисбатан ўта эътиборли, бир сўз билан айтганда кўнгил одами эканлар. Келинг, сиз ҳам ушбу суҳбатдан баҳраманд бўлинг.

– Жамшид Зокиров ҳозирда нималар билан банд?

– Санъаткор халқи доимо ижод билан банд бўлади. Мен ҳам ҳозир қайноқ ижод қўйнидаман. Гоҳ фильмларда суратга тушаман, гоҳ театрдаман, гоҳида реклама дегандай. Хуллас, ана шундай ижодий югур-югурлар.

– Дарвоқе, "Аъло ўйинчи"ни реклама қилганингиз ҳар хил гап-сўзларга сабаб бўлди. Ҳатто "шундай машҳур актёрга шу рекламада чиқиш шартмиди?" деган гаплар ҳам қулоққа чалинди...

– Гап машҳурликда эмас. Мен актёрман. Ўз вазифамни бажаряпман. Мени ана шу роликка лозим деб топиб, таклиф қилишди. Йўқ демадим. Кечирасизу, ўғрилик қилмадим, бировнинг ҳақини емадим. Санъаткор халқ хизматидаги одам. Ўзимга ҳам "сизга бу реклама бўлмабди" деб айтганлар бўлди. Очиғи, бошда бир оз ранжидим. Кейин ўйлаб қарасам, мен ўз касбимни бажардим, холос. Хўш, бунинг нимаси ёмон? Биз саҳнада гоҳ шоҳ, гоҳ гадо, баъзида бадфеъл, баъзида хушфеъл инсонлар образини яратамиз. Рекламага ҳам профессионал даражадаги актёрлар керак.

– Сизнинг кўп ролларингиз томошабинларга яхши таниш. Лекин "Донишманд Натан" спектаклидаги Натан образи сизни яна қайта кашф этгандек бўлди.

– "Донишманд Натан" асари немис драматурги Лессинг қаламига мансуб. Саҳналаштирувчи режиссёр Авлиёқули Ҳожиқулиев. Бу режиссёр доим фалсафий, нодир асарлар устида ишлаши билан бошқалардан ажралиб туради. Мазкур асар асрий муаммолардан бири – дин ҳақида бўлиб, инсон қайси динга мансублигидан қатъи назар инсонлигича қолсин, деган ғояни илгари суради.

Спектаклни кўрган томошабин яхшилик, меҳр-оқибат, софдиллик ҳамиша ғолиб бўлишига яна бир бор амин бўлади. Натан ҳаммани эзгуликка етакловчи инсон сифатида гавдаланган. У – мураккаб образ. Спектаклда менинг саҳнадаги шеригим йўқ. Чунки актёрларни танлаш жараёнида бош режиссёр Валижон Умаров хонасига ҳаммани йиғди. А. Ҳожиқулиев мен хонага кириб келишим билан "мана менинг тасаввуримдаги Натан" деб юборди. Одатда бош ролга иккита актёр танлаб олинади. Иссиқ жон, ҳар қандай вазият бўлиши мумкин. Лекин Натан образига фақат мен танлаб олиндим. "Донишманд Натан"да мен яйраб, ролимни ижро этаман.

– Ҳозир сизни киноларда тез-тез учратиш мумкин. Лекин негадир бош ролларда эмас?

– Биласизми, актёр учун ролнинг катта-кичиклиги муҳим эмас. Гап уни маромига етказиб ижро этишда. Масалан, Раҳим Пирмуҳамедов фақат эпизодик роллар ижро этган. Аммо халқ уни ҳануз севиб тилга олади ва бу актёрнинг ижросини ҳамон завқ билан томоша қилади. Шу каби мен ҳам ролимнинг катта-кичиклигига эмас, балки унинг ижросига кўпроқ эътиборимни қаратаман.

– Санъаткорлар оиласида улғайгансиз. Ота-онангиз сизга бу борада кўпроқ ёрдам бергандир...

– Ота-онам менинг санъаткор бўлишимни исташмаган. Оилада кичик фарзанд бўлганим боис, улар қийналишимни хоҳлашмаган. Отам раҳматли доим "Ошпаз бўлақол. Санъаткор бўлиш қийин, халқ эътиборига тушиш ундан ҳам мушкул" дердилар. Шунинг учун осонроқ касб эгаси бўлишимни хоҳлашган.

– Ота-онангиз қаттиққўл бўлишгандир?

– Онамиз Шойиста ая талабчан, қаттиққўл бўлганлар. Отамиз эса, аксинча, бизларга ён босадиган, дўст-сирдош инсон бўлганлар. Биз болалар бирор айб иш қилиб қўйсак, отамиз билан маслаҳатлашардик. Онамизга айтсак бизни "жазо" кутишини билардик. Онамиз адолатпарвар, ҳақиқатгўй, тартиб-интизомни яхши кўрувчи аёл бўлганлар. Қўпол гапирсак ҳам, нотўғри ўтирсак ҳам танбеҳ эшитардик. Хуллас, биздан тартибли бўлишимизни талаб қилардилар. Отам Карим Зокиров фарзандларини қаттиқ севардилар. Бизларга ҳеч қачон қаттиқ гапирмаганлар. Энг ёмон сўзлари "аҳмоқ" эди. Ундан уёғига ўтмасдилар. Оиламиз қанча машҳур бўлмасин, биз камтарона ҳаёт кечирганмиз. Ота-онам учун пул, мол-дунё ҳеч қандай аҳамият касб этмаган. Уларга бизнинг тарбиямиз, илм олишимиз муҳим эди. Балки шунинг учундир ҳамма ака-укалар, опа-сингиллар бирбиримизга жонимизни беришга тайёр даражада меҳрибонмиз. Энг муҳими ота-онамиз бизга инсонларни севишни, одамларга ҳурмат билан қарашни ўргатганлар.

– Эркаклардаги қайси хусусиятни қадрлайсиз?

– Аёлларни, ожизаларни ҳимоя қиладиган эркакларни қадрлайман. Мард, гапида турадиган, оиласи учун жонини берувчи эркакларимизни ҳурмат қиламан. Биз эркаклар азалдан ботирлик, мардлик тимсолимиз. Шундай экан, мен барча эркакларга "Аёлларни асрайлик!" деб мурожаат қилган бўлардим.

– Аёлларнинг қайси фазилати сизни ром этади?

– Аёл – бу табиат мўъжизаси. Аёлларимизни жуда яхши кўраман. Менимча, уларга қаттиқ гапиришнинг ўзи гуноҳ. Сўзимни шеър билан ифодалай қолай.



Мўъжиза излайсиз –
кўнгил беэга,
Сарғайиб боради
сабрнинг юзи,
Нега англамайсиз,
сезмайсиз нега?
Ахир, мўъжиза-ку
Аёлнинг ўзи!

– Гавҳар Зокирова билан ҳам ҳаётда, ҳам саҳнада биргасиз. Бу баъзида муаммо келтириб чиқармайдими?

– Бу ҳақда театрда ҳам кўп сўрашади. Гавҳар жуда оқила, доно аёл. Менинг энг яқин сирдошим, биродарим, суянчиғим. У менга яхши маслаҳатчи ҳам. Кўп ўқийди. Ўқиганларини менга гапириб беради. Доимо мени асраб-авайлашга ҳаракат қилади. Иложи бўлса, менга гард юқмаса. Гавҳар Зокирова билан ҳам ҳаётда, ҳам саҳнада биргалигимдан хурсандман.

– Бўш вақтингизда нималар билан машғулсиз?

– Бўш вақтим деярли йўқ. Бўлганда ҳам оилам даврасида бўлишни, мазали таом тайёрлаб, уларни севинтиришни ёқтираман. Набирам Майсарахон билан сайр қилишни яхши кўраман. Шу набирам менга илҳом бағишлайди, завқимни келтиради.

– Оилангизнинг бошқа аъзолари ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

– Ўғлим Жавоҳир Зокиров – Москвада ижод билан банд. Қизим Оҳиста – санъатшунос. Куёвимиз Фарҳод – созанда. Майсарахон Оҳистанинг қизи, яъни, менинг жондан азиз набирам.

– Сизни яшашга ундовчи омил?..

– Фарзандларим. Уларнинг камолини кўрсам дейман.

– Ҳозирги кунда сизни қийнайдиган муаммо нима?

– Муаммо... Ижод йўлида муаммолар учраб туриши табиий. Яхши саҳна асарлари, тарих зарварақларида қоладиган спектакллар ва фильмлар яратилишини хоҳлайман. Ҳозир эса фақат кўнгилочар фильмлар кўпайиб кетаётгандай. Ёшларимиз ўз ишларига янада масъулият билан ёндашишларини хоҳлардим. Шунда келажагимиз хайрли, порлоқ бўлади. Ахир, келажак ёшларнинг қўлида-ку.

– Ҳаётдаги шиорингиз?

– Юқорида айтиб ўтганимдек, шиорим фақат яхшилик қилиш. Инсонлардан фақатгина унинг қилган эзгу ишларию яхши номи қолар экан.

Суҳбатдош: Мастура ЮНУСОВА.

2005 ЙИЛ — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

Кўпинча катта ёшдаги одамларнинг қовоғи, кўз ости шишади. Хўш, бунинг олдини олиб бўладими? Бунинг учун нима қилиш керак?

КЎЗ ОСТИ ШИШСА

КЎЗЛАРИНГИЗНИ ТОЛИҚТИРМАНГ

Қовоқлар кўз толиқиши туфайли ҳам шишади. Балки, хизмат юзасидан кўп ўқишингизга, компьютер олдида узоқ ўтиришингизга тўғри келар. Бундай шароитда қовоқларингиз шишмасин десангиз қуйидаги маслаҳатларга амал қилинг.

● Авваламбор иш ўрнингиз яхши ёритилган бўлсин.

● Ҳар бир ярим-икки соатда танаффус қилиб, хона ичида у ёқдан- бу ёққа юриб қуйидаги оддий, содда машқларни бажаринг:

– қўлларингизни саккиз-ўн марта ён томондан тепага кўтариб, пастга туширинг, сўнг қўлларингизни шунча марта олдинга, орқага айлантиринг;

– бошингизни саккиз-ўн мартадан қуйига, тепага ўнгга, чапга ҳаракат қилдиринг;

– қўлларни белга қўйиб, гавдангизни ўнгга, чапга, олдинга, орқага энгаштиринг.

● Кунига уч-тўрт марта кўзга мўлжалланган гимнастика машиқларини бажаринг (уни кўз мушакларини таранглаштириб бажарилади):

– нигоҳингизни тўрт-олти марта тепага, пастга, ўнгга, чапга, сўнг тескари тартибда турли томонларга қаратинг;

– кўзингизни олти-саккиз марта айланма ҳаракатга келтиринг.

Бундан ташқари, эрталаб ва кечқурун чойга (айниқса, кўк чойга) чайиш ҳам жуда фойдали. Шамани ҳам ташлаб юбормасдан, докага ўраб, кўзларингизни юмиб, қовоқларингиз устига қўйинг. Бу кўзларнинг чарчоғини олиб, шишларни кетказади.

КАРТОШКАНИНГ ҲАМ ФОЙДАСИ КАТТА

Хом картошкадан қилинган компресслар ҳам жуда фойдали. Тозаланган, ювилган картошкани қирғичдан ўтказиб, икки қават марлига ўранг. Чалқанча ётиб (бошингиз остига ёстиқ қўйманг), кўзларингизни юмиб, компрессларни 10-12 дақиқа қовоқларингиз устига қўйинг. Сўнг олиб ташлаб, ўрнига ёғли, озиқлантирувчи крем суринг.

Хом сабзидан ҳам шундай компресслар қилса бўлади. Ҳафтасига бир-икки марта қовоғингизга бодринг бўлаклари қўйсангиз ҳам бўлади. Яна бир оддий маслаҳат–кечаси ётоғингиздаги дераза дарчасини қия очиқ қолдиринг. Қарабсизки, эрталаб турганингизда қовоғингизнинг салқишидан асар ҳам қолмайди.

ШИФОКОРГА ШОШИЛИНГ

Кўзингиз остида халтача ҳосил бўлиши гипертония (қон босмининг ошиши) бошланаётганидан дарак бериши мумкин. Шунинг учун терапевт қабулига шошилинг. Касалликни дастлабки босқичида даволаш осон кечади. Шифокорнинг тавсияларини бажаришдан ташқари қуйидаги маслаҳатларга амал қилсангиз ҳам ўзингизга ёрдам берган бўласиз:

● камроқ суюқлик ичинг (кунига 1,5-2 литрдан ошмасин), соат 18.00дан кейин умуман ичмасангиз, янаям яхши;

● камроқ туз истеъмол қилинг;

● аччиқ, нордон, шўр, дудланган егуликлар истеъмол қилманг.

Таркиби калийга бой картошка, қовоқ, бақлажон, карам, кўкатлар, қуруқ мевалар (айниқса, туршак) жуда фойдали.

Қовоқларингиздан ташқари, қўл-оёқларингиз ҳам шишса, юришда нафас олишга қийналсангиз, лабларингиз ва бармоқларингизнинг учи кўкарса, юрак мушакларингиз фаолияти ёмонлашганининг аломатидир. Бундай ҳолда тез кардиологга кўрининг. Ўзингизни жисмонан зўриқтирманг, оғир юк кўтарманг, қийин жисмоний машқлар бажарманг.

Юқори қовоғингиз кўп шишса, буйрагингиз хасталанганидан дарак беради. Аммо баъзан суюқлик миқдорини камайтиришингиз билан бу аломат йўқолиши мумкин. Кўз атрофи шишганидан ташқари юрак уриши секинлашса, тирноқлар қийшайиб, соч тўкила бошласа, зудлик билан эндокринологга кўрининг. Чунки бу қалқонсимон безларнинг иш фаолияти бузилганлигини билдиради

ЙЎҚОЛСИН АЛЛЕРГИЯ!

Кўпинча кўз атрофи аллергия таъсирида ҳам шишади. Аллергияга эса дарахтлар, ўт-ўланларнинг гуллаши, дори-дармонлар, маиший кимё маҳсулотлари, атир-упалар, озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳатто эски пар ёстиқ ҳам сабаб бўлиши мумкин. Бу сабабни тезда аниқлаб, бартараф этиш лозим. Дейлик, хонани йиғиштираётганингизда, хусусан, чанг босган китобларни тартибга келтираётганингизда аллергия реакциянгиз бошланди. Бундай ҳолда оғирбурнингизга марли ниқоб ёки респиратор тақинг. Шунда ҳам фойда қилмаса, шифокор билан маслаҳатлашиб димедрол, супрастин ёки кларитин дориларини истеъмол қилинг, кўзингизга эса аллергодил томизинг. Айрим доривор ўсимликларнинг ҳам нафи тегади. Масалан, маврак (чўл ялпизи) ва мойчечакдан бир ош ошиқдан аралаштириб, устига қайнаган сув қуйинг. Бир соатлар тургач, тиндириб, ўтларни яхшилаб сиқиб, олиб ташланг. Ҳосил бўлган дамламага кўзингизни кунига уч-тўрт марта чайинг.

ШОЛҒОМНИНГ ХОСИЯТИ КЎП

Болалигимда онам раҳматлик бир ривоят айтиб берган эдилар. Бир куни пайғамбаримиз (с.а.в)нинг қизлари биби Фотима ўғиллари Ҳасан ва Ҳусанга бирор егулик пишириб берай десалар, рўзғорда ун ҳам, гуруч ҳам, ёғ ҳам, хуллас ҳеч вақо қолмаган экан. Шунда кўчага чиқиб учта каттакон тош олиб келиб, қозонга бостириб: "Эй худо, ўзинг болаларимга раҳм қил, мўъжизангни кўрсат", – деб ёлворибдилар. Орадан пича пайт ўтиб, қозонни очиб қарасалар, Аллоҳнинг қудрати билан ҳалиги тошлар ҳил-ҳил пишиб ётган шолғомларга айланган экан.

Бу ҳикоятларни якунида волидам "Биби Фотимадан бизга мерос бўлиб қолган шолғомда хислат кўп", – дегандилар. Шу-шу табиатнинг бу неъматини хуш кўраман.

Кейинчалик билсам, шолғом ҳақиқатан ҳам кўплаб шифобахш хусусиятларга эга экан. У глюкоза, оқсил, крахмал каби моддаларга, В1, В2,РР дармондориларга бой. Бу илдиз мева калий, кальций, фосфор, темир, олтингугурт, магний сингари микроэлементларнинг кони.

Шолғомни асал билан қўшиб истеъмол қилинса, ошқозон-ичак, юрак фаолиятини яхшилайди. Шарбати бронхит астмаси хасталигига шифо. Бундан ташқари нафас йўлидаги балғамлардан халос бўлишга ёрдам беради.

Азалдан совуқ уриши, бўғинлардаги оғриқларни даволашда буғда пиширилган шолғомдан фойдаланишган. У сийдик ҳайдовчи, оғриқ қолдирувчи, шамоллашга қарши восита ҳамдир. Шолғом қайнатмаси асабларни тинчлантиради, юрак уришини меъёрига келтиради. Унинг қайнатмасида гўшт пишириб истеъмол қилинса, соддароқ қилиб айтганда шолғом шўрва эркаклик қувватини кучайтиради.

ФОЙДАЛИ МАСЛАҲАТЛАР

● **Уйқусизликдан қийналсангиз 2 ош қошиқ шолғом қириндисини бир стакан сувда 10-15 дақиқа қайнатиб, уйқу олдидан ичинг.**

● **Сурункасига ичингиз қотса 250г шолғом қайласини енг.**

● **Йўталга чалинсангиз, шолғом шарбатига асал қўшиб кунига уч-тўрт марта 1-2 ош қошиқдан ичинг.**

Эсингизда бўлсин! Ўткир ошқозон-ичак, жигар ва ўт пуфаги касалликларида шолғом истеъмол қилманг. Чунки унинг таркибида олтингугурт моддаси кўп бўлиб, метеоризм хасталигини келтириб чиқаради.

«Қорадори-2005»

МАВСУМИЙ ЭМАС, ДОИМИЙ БЎЛСИН!

Республика ички ишлар идоралари ходимлари мамлакатимизда режа асосида ўтказилаётган кенг қамровли "Қорадори" тадбирининг биринчи босқичида фаол иштирок этмоқдалар.

– Тадбир бошиданоқ ходимларимиз анчагина миқдордаги ноқонуний экиб ўстирилаётган кўкнор ва наша каби таркибида гиёҳвандлик моддалари бўлган ўсимликларни аниқлаб, йўқ қилдилар, – дейди ИИВ ЖҚ ва ТҚКББ Наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши курашиш бошқармаси бўлим бошлиғи, подполковник А. Юлдашев. – Шу кунгача республика бўйича 236 та майдонга экилган деярли беш ярим минг кв. метрдаги таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган экинлар, хусусан, 5 минг кв. м. дан кўпроқ ердаги кўкнор, 100 кв. м дан зиёд ерга ноқонуний равишда экилган наша ўсимликлари аниқланиб, йўқ қилинди. Қонунга зид равишда иш тутган икки юз нафарга яқин шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилиб, қонуний чоралар кўрилди. Шу билан бирга ёввойи ҳолда ўсаётган наша ўсимликлари ҳам топилиб, заҳри қотилни ўз вақтида йўқ қилиш чорасини кўрмаган ўттиз нафардан ортиқ шахс маъмурий жавобгарликка тортилди.

Мисолларга мурожаат қилайлик. Республика ИИВ ҳамда Тошкент вилояти ИИБ масъул ходимлари томонидан Чиноз тумани ҳудудида ўтказилган назорат тадбири жараёнида Эрназаров номли ширкат хўжалиги, Учқун маҳалласида истиқомат қилувчи, 83 ёшли Ўроз бобо Давировнинг ҳовлисида салкам 750 туп, Қуйичирчиқ тумани Беруний номли ширкат хўжалиги Нурбой ота қишлоғида истиқомат қилувчи 76 ёшли Ойсанам Дўстбоеванинг ҳовлисидан 1532 туп кўкнор ўсимлиги топилди. "Оққўрғон" тумани, Оққўрғон ширкат хўжалигида яшовчи 76 ёшли Қурбонназар Холматов эса тап тортмасдан томорқасидаги иссиқхонада салкам икки минг туп кўкнор ўсимлигини парваришлаётгани аниқланди. Шунингдек, тадбир давомида Термиз тумани "Намуна" ширкат хўжалигида яшовчи, ёши деярли олтмишга бориб қолган Юлдаш Сайидаматовнинг хонадонидан 55 туп, Тошкент шаҳар Яккасарой туманида яшовчи, 1971 йилда туғилган Жовдат Йўлдошев хонадони томорқасидан 150 туп кўкнор топилиб, йўқ қилинди. Самарқанд вилояти Нарпай туманида ўтказилган тадбир пайтида шу туманнинг Мирзобозор қўрғонида яшовчи пенсионер Тоҳир Раҳмонов томорқасида 250 туп кўкнор ўсимлиги ўстираётгани аниқланди. Унинг уйи кўздан кечирилганда 3 кг. кўкнор ҳамда 2 кг. марихуана топилди. "Экиб, ўстириш мумкин эмаслигини билмагандим, дори учун эккандим", дея ўзини оқлашга интилаётган қарияларнинг ўқимишли фарзандлари, набиралари юзлаб, минглаб туп кўкнорлар етиштирилаётганидан бехабар эканликларига ишониш қийин. Шу билан бирга "дори учун" 1500-2000 туплаб кўкнор экиб, кўкнор кўсакларини тилиб қўйиш ҳам унча-мунча оми одамнинг қўлидан келмайди. Ножўя ишга қўл урган инсонларнинг барчаси қилмишларига яраша жавоб беришади.

Амалга оширилаётган тадбир натижасида май ойининг 21-кунига қадар республикамиз бўйича жами 24 кг.га яқин гиёҳвандлик моддалари олинди. Шундан 7 кг. га яқин героин, 1кг. га яқин опий, 13 кг. га яқин марихуанадир.

– "Қорадори-2005" тадбири давомида пойтахт ички ишлар идоралари ходимлари томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда, – дейди Тошкент шаҳар ИИББ ЖҚ ва ТҚКБ наркотрафик ва наркотик моддаларнинг ғайриқонуний айланишига қарши курашиш бўлими бошлиғининг ўринбосари, подполковник Тоҳиржон Абдусатторов. – Масалан, жорий йилнинг тўрт ойи давомида Тошкент шаҳрида гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ 662 та ҳолат аниқланди. Бошқа хизматлар билан ҳамкорликда гиёҳвандлик моддаларини пойтахтимизга олиб келиб, сотиш ва тарқатиш билан шуғулланаётган шахслар ҳам аниқланди.



Бундан ташқари контрабанда йўли билан кириб келаётган ўн бир ярим килограммга яқин ҳар хил турдаги гиёҳвандлик моддалари олинди. Наркобизнес билан шуғулланувчи ўттиздан ортиқ жиноий гуруҳ ҳам қўлга олиниб, уларнинг фаолиятига чек қўйилди. Яккасарой туманида ўтказилган тезкор тадбир пайтида Қарши шаҳрида яшовчи Р. Бобоназарова, 1967 йилда Денов туманида туғилган А. Ҳайдаров Денов шаҳрилик Н. Саттаровлар 4 кг 217 гр. героинни 45 минг АҚШ долларига сотаётганда ушландилар. Жиноий тўдадан жами 9 кг 026 грамм ҳар хил турдаги гиёҳвандлик моддалари мусодара қилинди. Наркотрафик ва наркотик моддаларни ғайриқонуний айланишига қарши курашни янада жадаллаштириш мақсадида республика МХХнинг Тошкент шаҳри бўйича бошқармаси ва Тошкент шаҳар божхона бошқармаси билан ҳамкорликда тузилган режа бўйича ўтказилган тадбирлар ҳам яхши самара бераяпти.

Таҳлиллардан кўринадики, сўнгги йилларда аёллар ҳам гиёҳвандлик моддалари билан боғлиқ жиноятларга қўл уришаяпти. Тошкент шаҳридаги қатор бозорлар ҳудудида ўтказилган тадбирларда оғуфурушлик билан шуғулланаётган ўттиз нафарга яқин аёл ушланиб, жиноий жавобгарликка тортилди. Масалан, пойтахтнинг Яккасарой туманилик, ҳеч қаерда ишламайдиган, муқаддам судланган Р. Бобоева ўзи каби судланиб ҳам ақли кирмаган, 1972 йилда туғилган Н. Горскаяга 0,04 гр. героинни 12 минг сўмга пуллаётган пайтда қўлга тушди.

Жорий йилнинг ўтган даврида амалга оширилган тадбирлар давомида биргина Тошкент шаҳрининг қатор туманларида ўз уйларини бангихонага айлантирган ўн уч нафар шахс аниқланиб, жиноий жавобгарликка тортилди.

– Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва юз берган жиноятларни фош этишда хизмат итларининг ҳам салмоқли ўрни бор, – дейди ИИВ ППХ ва ЖТСББ кинология хизмати бошлиғи, капитан Д. Ҳасанов. – Ўтказилаётган "Қорадори-2005" тадбирида ҳам кинологлар хизмат итлари билан бирга фаол иштирок этмоқдалар. Тадбир бошидан буён хизмат итлари ёрдамида 90 та жиноий ҳолат аниқланди ва қонунбузарлардан 8 кг га яқин турли хил гиёҳвандлик моддалари олиниб, улар ёрдамида топилган олти ярим минг тупдан кўпроқ таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ва ноқонуний экилган ўсимликлар йўқ қилинди. Масалан, шу йилнинг 2 май куни Сирдарё вилояти Мирзаобод тумани Наврўз қўрғонида ўтказилган тезкор тадбирда иштирок этган туман ИИБ кинологи, кичик сержант А. Назаровга биркитилган "Рекс" лақабли хизмат ити ёрдамида шу қўрғонда яшовчи М. Қолдибеков 1 кг героинни сотаётган пайтда ушланди. 4 май куни Самарқанд вилояти ИИБ ходимлари "Самарқанд – Бухоро" йўлида тадбир ўтказишганда кичик инспектор-кинолог, сержант Л. Норқуловга биркитилган "Агат" лақабли хизмат ити ёрдамида эр-хотин Қ. Ҳасанов ва М. Ҳусаинова 1 кг 100 гр. героинни 23000 АҚШ долларига сотаётганда ушланди. 7 май куни эса Навоий вилояти Кармана тумани ИИБ ходимлари "Жалоир" ширкат хўжалигини "Дана" лақабли хизмат ити ёрдамида текшириб, фуқаро Р. Шариповнинг хонадонида ўстирилаётган 1200 туп кўкнор ўсимлигини топишди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, аср вабоси бўлмиш гиёҳвандликка қарши кураш тобора кескин тус олмоқда. Бунда, айниқса маҳаллалар, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари, корхоналарда гиёҳвандлик моддалар билан боғлиқ жиноятларнинг олдини олиш ва унинг салбий оқибатлари ҳақида суҳбатлар, семинарлар ўтказилаётгани катта аҳамият касб этаяпти.

"Қорадори" тадбири мавсумий эмас, доимий бўлиши, унда нафақат ички ишлар ходимлари, балки кенг жамоатчилик ҳам фаол иштирок этиши мақсадга мувофиқдир. Бу билан нафақат гиёҳвандлик моддалари туфайли келиб чиқадиган жиноятларнинг олди олинмасдан, балки заҳри қотил деган балонинг ёшларимиз онгини заҳарлашига йўл қўйилмайди.

Жамол ХОЛМИРЗАЕВ,
майор.

Жиззах вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Дўстлик тумани ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмаси бошлиғи, капитан
Йўлдош ХЎЖАЕВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Навоий вилояти ИИБ раҳбарияти, шахсий таркиби ва Фахрийлар кенгаши ички ишлар идоралари фахрийси
Йўлдош ота ОЧИЛОВнинг
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек таваллудининг 100 йиллигига

ХАЛҚИМИЗНИНГ БУЮК АДИБИ

Талант қанчалик қудратли бўлмасин, ҳар нечук юзада бўлмайди, конга ўхшаш ернинг қаърида бўлади. Бу кон – талантни қазиб олиш учун, аввало, катта ақл, катта билим, матонат, куч-ғайрат, буларнинг устига дард бўлиши керак.

Катта талант эгаси Ойбекда мана шу хислатларнинг ҳаммаси мавжуд. Ойбек мана шу хислатлари билан халқимизнинг маънавий хазинасига катта бойлик қўшди.

Абдулла ҚАҲҲОР.

Бир ўлкаки,
тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки,
қишларида шивирлар баҳор...

Бу сатрлар ватанини чин дилдан севган, унинг учун ёниб яшаган, тўлиб-тошиб ижод қилган, буюк адиб Ойбекнинг юрак сўзлари. Сўз санъатининг беназир намояндаси Ойбек Ўзбекистонни бениҳоя улуғлаган ёзувчи ва шоир сифатида адабиёт майдонида катта ўринга эга.

Унинг болалик йиллари Чор Россиясининг мустамлака даврида ўтди. Эски мактабларда хат-савод чиқарган Мусо адабиётга ихлос қўйди. Мумтоз шоирлар асарларини севиб ўқиди, ўрганди, ўсмирлик давридаёқ илк шеърлар ёза бошлади.

Ойбек адабиётга ҳавас қўйиб, қалам тебратишни бошлаганида Тошкентда жадидчилик ҳаракатининг асосчилари Фитрат, Чўлпон, Мунаввар қори ва бошқалар эл ўртасида аллақачон танилиб, ижод маҳсуллари кенг ёйилган эди. Ойбек ана шу улуғ сиймолар билан мулоқотда бўлиб, уларнинг халқимиз, юртимиз ҳурлиги, эркинлиги, улуғ келажаги йўлидаги ҳаракатлари билан яқиндан танишади.

Йигирманчи йилларда Ойбекнинг "Армуғон", "Туйғулар", "Кўнгил найлари", "Машъала" шеърий тўпламлари нашр этилди. Ўттизинчи йилларда бир қатор поэмалар яратди. Улуғ шоир Алишер Навоийга бағишланган "Навоий" поэмаси, айниқса, бадиий пишиқлиги билан шоир ижодида алоҳида ўрин тутади. Ўзбек халқининг буюк шоири, шарқ мумтоз адабиётининг улуғ намояндаси, ғазал мулкининг султони Алишер Навоийнинг ижоди ва ҳаётини чуқур ўрганишга киришган Ойбек, айни иккинчи жаҳон уруши йилларида йирик прозаик асар устида ишлади. У XV асрга оид тарихий манбаларни қунт билан ўрганди. 1944 йилга келиб "Навоий" романини ёзиб тугатди. Бу йирик тарихий асар кўпчилик томонидан юқори баҳоланса-да, айрим ғаламис кишилар томонидан ёзувчига туҳмат тошлари отилади. Асар камситилиб, тутуруқсиз сўзлар билан танқид қилинади. Лекин Ойбек Навоийни чуқур ўргангани, у яшаган даврни ҳаққоний тавсирлаб бергани учун ҳам танқидлар совун кўпигидай тезда йўқолиб кетди. Адиб бу асарни катта маҳорат билан ёзганди. У Навоий ким эканлиги, ўзбек халқининг улуғ шоири қандай муҳитда ижод қилганлигини, ўша даврдаги тузум, ҳаётни бўрттирмасдан, бўямасдан яққол кўрсатиб берганди. Шунинг учун ҳам асар ўша даврда давлатнинг юксак мукофотига лойиқ кўрилди, кўплаб тилларга таржима қилинди.

Ойбек сермаҳсул ижодкор сифатида адабиёт саҳнасидан муносиб ўрин эгаллаган ёзувчи. Ўзбекистонда пахтачиликни ривожлантиришга бағишланган "Олтин водийдан шабадалар" романида халқимизнинг машаққатли меҳнати акс этган бўлса, "Қуёш қораймас" романида эса иккинчи жаҳон урушида ўзбек йигитлари кўрсатган мардлик ва жасорат тасвирланади.

Ойбек адабиётшунос олим эди. Унинг ўзбек адабиётининг ғоявийлигини чуқурлаштириш, адабий меросга тўғри ёндашиш, бадиий маҳоратни ошириш мавзуларига бағишланган илмий асарларидан қўлланма сифатида кенг фойдаланилмоқда.

Улуғ адиб жаҳон адабиёти дурдоналарини моҳирона таржима қилиб, халқимизни бир қатор буюк шоир, ёзувчилар асарлари билан яқиндан таништиришда ҳам катта ҳисса қўшди. Пушкиннинг "Евгений Онегин", Лермонтовнинг "Маскарад", арман эпоси "Сосунли Давид" шулар жумласидандир.

Ўзбек адабиётида Мавлоно Ойбек номига сазовор бўлган улуғ адибнинг бой адабий мероси, халқимиз маънавиятини юксалтиришга катта хизмат қилган ва бундан кейин ҳам авлодлар учун хизмат қилаверади, адабиёт хазинасини бойитиб тураверади.

Садриддин ШАМСИДДИНОВ.

НИМТАБАССУМ

Хўранда (кесатиб):

– Марҳамат қилиб айтингчи, нега шўрвамда пашшалар сузиб юришибди?

Официант:

– Кечирасизу, менинг вазифам буюрилган овқатни олиб келиш.

* * *

– Ҳар якшанба шу ердан ўтаётганимда қармоқ ташлаб ўтирганларингизни кўраман.

– Ҳа, беш йилдан буён балиқ овига чиқаман.

– Нима, шунча пайтдан буён бу ерларда балиқ йўқлигини пайқамадингизми?

– Бундан икки йиллар бурун шунга ўхшаш шубҳа пайдо бўлди.

* * *

– Кеча кечқурун ишдан келсам, хотиним қўлимга чилвир тутқазиб, нозли овозда: "Нима қилсангиз қилинг!" дейди.

– Хўш, сен нима қилдинг?

– Шартта қўл-оёғини боғлаб, қовоқхонага чиқиб кетдим.

* * *

Севишганлар хиёбон айланиб юришибди. Йигит:

– Хўш, кабобнинг ҳиди ёқдими?

Қиз:

– Ёқди!

Йигит:

– Юр унда, яна бир марта кабобпазнинг олдидан ўтамиз.



ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБЛАРИ

Энига ва ёйлар бўйича: **1. Регистон. 6. Зарафшон. 28. Иллинойс. 29. Оператор.**

Бўйига ва ёйлар бўйича: **1. Рубериод. 6. Занжибар. 18. Бифштекс. 20. Муҳаррир.**

Энига: **7. Мажнунтол. 11. "Реал". 14. Киви. 15. Туполев. 16. Етмак. 17. Бордо. 21. Тижорат. 22. Шўра. 23. Этна. 27. Аудитория.**

Бўйига: **3. Соат. 4. Флот. 8. "Ушшоқ". 9. Магдебург. 10. Микрометр. 12. Рудакий. 13. Керогаз. 19. Борат. 24. Кути. 25. Фикр.**

Ёйлар бўйича: **2. Герб. 5. Рейн. 26. Евро. 30. Рост.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir o'rinbosari Erkin SATTOROV

Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV

Navbatchi Qobiljon SHOKIROV

Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV

TELEFONLAR: Bosh muharrir o'rinbosari 54-37-91. Kotibiyat 139-73-88. Muxbirlar 59-27-15. 139-77-23. Buxgalter 139-75-37. Faks 132-05-51.

E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

● Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart

● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.

● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-001309. Bosilish — ofset usulida. Hajmi — 6 bosma taboq. 52160 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari: Yakka tartibda — 180 Tashkilotlar uchun — 366

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosishga topshirish vaqti — 21.00. Bosishga topshirildi — 21.00.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.

Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy

(N) – Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.